

Бугун аксарият ривожланган мамлакатларда аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш жараёни тўлиқ йўлга қўйилган. Уларда тўлов тизими пластик карточка ёки электрон тарздаги турли хил воситалар орқали амалга оширилади. Юртимизда ҳам ушбу тизимга ўтиш жараёни оммалашиб бормоқда.

**4** бет

**ёхуд «Бахмал» ҚК мансабдорларининг қинғирликлари**

Жиноий гуруҳ бу ишни доимий давом эттириб келди. Режага асосан «Бахмал» кўшма корхонаси томонидан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш учун Асакабаннинг Самарқанд вилоят филиалида асосий рақамли, шу жараёнда парламент ва ижроия ҳокимият манфаатлари аралашиб кетишининг олди олинади.

**9** бет

**Mustaqillik huquq demakdir**

# Н И Ш О Қ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan [www.huquq-gazeta.uz](http://www.huquq-gazeta.uz)

2009-yil 29-oktabr, №44 (669)



**Жараён**

дай тизимда жамоатчилик манфаатлари кўпроқ эътиборга олинади. Учтинчиси эса қонунлар профессионал қонуншунослар томонидан яратилади. Тўртинчи устуниги, бу жараёнда парламент ва ижроия ҳокимият манфаатлари аралашиб кетишининг олди олинади.

Чет эл парламентларида юқори палата худудлар, гуруҳлар ва шахслар манфаатларини бирлаштиради, қўйи палата эса қонунларни профессионал назар билан таҳлил этади. Лекин иккала палата ҳам ягона манфаат, яъни тинчлик, миллатларга тотувлик, ҳамкорлик ва халқ манфаатларига жавоб берувчи қонунлар ишлаб чиқарилишига масъулдир.

**Худойкул ТУРДИБОВ,**  
Қашқадарё вилоят прокурорининг  
биринчи ўринбосари.

**Ўринбай ТУРДАКОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Ички ишлар вазири  
полковник

## ШАРАФЛИ БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар қатори ички ишлар органларининг ҳам хизмати беқийс. Шу боис, 2006 йил 6 декабрда қабул қилинган қонунга асосан юртимизда 25 октябрь Ички ишлар органлари ходимлари кун деб белгиланган.

Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги фармон ва қарорлари асосида соҳадаги қатор бўлимлар қайта ташкиллаштирилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Шаҳар ва туманлардаги ички ишлар бўлимларининг бинолари тўлиқ таъмирланиб, янгилари қад ростлади.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг қарор, буйруқ ва дастурлари асосида Қорақалпоғистон ички ишлар вазири ва унинг жойлардаги идоралари томонидан республика ҳудудига ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳаётини таъминлаш борасида аниқ тадбирлар белгиланиб, олиб бориладиган кенг қамровли ишлар натижасида криминоген вазият назорат остида бўлди. 2009 йилнинг 9 ойи давомида барча турдаги жиноятлар 2,22 фоизга камайди.

Асосий эътибор диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, республикадаги барқарор вазиятни издан чиқариш ниятида бўлган шахслар тўғрисида ўз вақтида оператив маълумотлар олиш, республикага кириб келиши мумкин бўлган тақдирдаги аҳолига қарши қўрилган ва гуёҳванд моддаларни фош қилишга қаратилди. Республиканинг Туркманистон ва Қозғистон давлатлари ҳамда бошқа вилоятлар билан чегарадош ҳудудларида ИПХ масканлари ва блок постлар ташкил этилиб, уларда милиция ходимлари билан бирга республика Божхона бошқармаси ва чегара қўшинлари ходимларидан иборат гуруҳлар кеча-кундуз хизмат қилишлари ташкил этилди.

(Давоми 3-бетда)

## ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

**Халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловлар кунги тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар кундалик ҳаётимизда ўз ифодасини топади. Сайловлар катта сиёсий воқеа бўлиб, шу муносабат билан эришган муваффақиётларимиз сарҳисоб қилишни табиий ҳол. Ютуқларимиз эса тасофий эмас ва осонлик билан қўлга киритилганини ўқиб, бу мураккаб масалаларни ҳал этишининг тўғри йўллари танланганлиги натижасидир.**

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда жамият, давлатчилик тизими шакллари ўзгарди. Қабул қилинадиган қонунлар инсон манфаатлари ҳимоясида хизмат қилиши белгилаб қўйилди. Жамиятимизда демократлаштириш жараёнини ривожлантириш учун мамлакатимиз парламентини ислоҳ қилишга ва ривожлантиришга катта эътибор берилди. 2004 йилда мамлакатимизда биринчи бор дунёнинг бошқа ривожланган давлатларидаги каби икки палатали Парламент шакллантирилди.

Икки палатали Парламентга ўтиш мамлакатимизда демократик жараёнларни жадаллаштириш, Ватанимизнинг жаҳондаги обрўйини оширишга хизмат қилмоқда. Агар халққаро майдонга назар ташласак, кўпгина ривожланган давлатларда икки палатали Парламент фаолият юритаётганига гувоҳ бўламиз. Бундан қўланган мақсад нима? Асосий мақсад шуки, қонунчилик соҳасида мукамилликка ва профессионализмга эришиш, адолат, ошкоралик ҳамда ҳурфикрликнинг ривожлантиришidir. Яъни, қўйи палата — Қонунчилик палатасида депутатлар қонунлар яратиш устида доимий равишда ишлайдилар ва самарали қонунларни шакллантирадилар. Юқори палата (Сенат) эса қонунлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиб, сенаторлар ўз худуди манфаатларини ифода этадилар. Натижада қонунлар ҳар томонлама мукамиллашади.

Икки палатали Парламентнинг устуниги шундаки, қонунлар ҳар томонлама кўриб чиқилаётганда турли манфаатлар ва қарашлар ҳисобга олинади ҳамда энг илгор ва тўғри фикрга тўхталиш имкони бўлади. Иккинчи устуниги, бун-

Икки палатали Парламент АҚШ, Англия, Франция, Италия ва Япония сингари мамлакатларнинг тараққиёт йўлини белгилаб берганлиги тарихдан маълум. Шу тўғрисида биз учун ҳам шу йўл маъқул кўрилади.

Президентимиз Ислам Каримов иккинчи сессияда Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида икки палатали Парламент тузиш таклифини билдирган эди. Бу таклифини 2002 йилнинг 27 январида ўтказилган референдумда халқимиз қўллаб-қувватлади. 2004 йил 26 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказилиб, икки палатали Парламент шакллантирилди. Бу ўзининг ижобий натижасини бериб, ўтган қарийб беш йил давомида йиғирмалдан ортқ янги қонунлар яратилди, ўнлаб қонунларимизга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Бу қонунлар халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, унинг ташқи мамлакатлар билан тенглар ичра тенг давлат сифатида алоқаларини таъминлаш ишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАФИШЛАНДИ

Бугун мамлакатимизда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб, изчиллик билан амалга оширилаётган тўлиқ иқтисодий ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу жараён дунё ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланаётгани ҳам, халққаро йирик молиявий ташкилотлар Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларга катта қизиқиш билан қараётгани ҳам бежиз эмас.

Маълумки, айни пайтда дунёнинг кўпгина мамлакатлари молиявий инқироздан азият чекмоқда. Хусусан, кўпгина йирик корпорациялар минглаб ходимлари билан тузган меҳнат шартномаларини бекор қилаётир. Юзага келган оғир вазиятдан чиқолмаётган обрўли компаниялар ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлаётгани боис, ишсизлар сони кескин ошиб, дунё аҳолининг ижтимоий аҳоли салбий томонга қараб кетмоқда.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб,

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида “Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий кризиси оқибатларини бартаъраф этиш чора-тадбирлари дастури”нинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши мавзусида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда таъкидланганидек, юртбошимизнинг ташаббуси ва ишқор раҳбарлигида ҳукуматимиз томонидан миллий иқтисодиётни янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартаъраф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимизни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши этиб белгиланган. Ушбу дастур асосида иқтисо-

дий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор сурьатларини ва иқтисодиётнинг мувоzanатли ривожланишини таъминлаш, биринчи навбатда: халққаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланган, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфрамулкмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, талбиркорлик билан кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби кўплаб муҳим масалалар ўрин олган.

Бу каби муносабатларнинг матбуотда кўплаб берилётганини эътироф этган ҳолда инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳуусидаги, аниқ далилларга асос-

ланган, ютуқ ва камчиликлар содда, халқимизга тушунарли тилда ёритилган материалларнинг нисбатан камчилигини ташкил этаётганини таъкидлаш муҳимдир.

Катъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотлар таннарини камайтириш ҳисобидан 2009 йилнинг биринчи ва иккинчи чорақлари давомида эришилган ютуқлар, истемол бозорига ўтган йилга нисбатан 20 фоиз арзонлашган нархларда маҳсулотлар чиқараётган корхона ва ташкилотлар, уларнинг келгуси режалари ҳақидаги ахборотлар нисбатан камчилигини ташкил этади.

Юқорида кўрсатилган мавзулар марказий нашрларимиз саҳифаларидан кўпроқ ўрин эгалласа, амалга оширилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти янада тушунарли бўлар эди.

Ўз мухбиримиз

## НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Вилоят прокуратураси органлари фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусан, иш ҳақлари тўловлари кечиктирилишини бартараф этиш борасида мунгазам иш олиб боришмоқда. Нақд пул тушуми прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши назорат қилиниб, нақд пулни банкдан ташқари ноқонуний айлантиришга, иш ҳақи, пенсия пулларини ўзлаштиришга барҳам бериш, мuddати ўтган дебитор қарзларни ундириш чора-тадбирлари кўришмоқда. Ил бошидан буён ушбу соҳада ўтказилган тадбирларда 46 млрд. сўм нақд пул маблағларини ноқонуний айлантириш ҳолатлари аниқланиб, 100 та жиноят ишлари кўзга тилиди.

Хусусан, Қўрғонтепа туманидаги «Сурайё» ҳусусий савдо дўконида ўтказилган қисқа мuddати текширишда 7,4 млн. сўм савдо пули назорат касса машинасига кириб қилинмагани аниқланиб, фирма раҳбари Ш.Абдуллаева жиноий жавобгарликка тортилди.

Избоскан туманидаги 1-мактаб газначиси С.Ғозиев эса шу йил июн-сентябрь ойларида ўқитувчиларга 13 млн. сўм маошини тарқатмай, ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган. Аска маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежиданинг мансабдор шахслари аслида ишламайдиган фуқаро З.Мажидовга шу йил январдан август ойигача таъаб юритиб, 1 млн. сўмдан зиёд иш ҳақи ҳисоблаганлар. Шаҳрихон туманидаги «Ортиш» алоқа бўлинмасининг бошлиғи ва оператори ҳомилдорлик таътилга чиққан бўлсалар-да, туман почта бўлими масъул ходимлари уларга 1,9 млн. сўм иш ҳақи ҳисоблаб, ўзaro «баҳам қўришган». Шунингдек, туман почта бўлими ҳамда «Абдулйў» алоқа бўлинмаси мансабдор шахслари «Сўзоқ» МФИда яшовчи 26 нафар фуқаронинг 2 ойлик жами 3,4 млн. сўм пенсия пулларини тўламай, имзолари сохташлатириш «йўли» билан ўзлаштиришган.

Текширишларда мuddати ўтган дебитор қарзорликнинг ундирилмаслиги туғайли иш ҳақлари тўланмай қолган ҳолатлар ҳам юзага чиқди. Чунонки, Хўжаобод туманидаги «Сувоқва» ишлаб чиқариш корхонасининг мансабдор шахслари мuddати ўтган 18 млн. сўм дебитор қарзорликни ундириш ҳусусида қайғуришмаган. Оқибатда 5 ой мобайнида 11 нафар ишчи ходимга 4 млн. сўм иш ҳақи тўланмаган.

Иш ҳақини ўзлаштирган, ўз вақтида тўлаб бермаган мансабдор шахсларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш билан бирга судларга даъво аризалари киритилиб, ундириб берилмоқда. Хусусан, Марҳамат туманидаги «Қўн пахта тозалаш» АЖ, Избоскандаги «Пой-ту» машина-трактор парки ишчи-ҳодимларига жами 14,9 млн. сўм иш ҳақини ундириш учун фуқаролик ишлари бўйича судга 2 та даъво аризаси киритилди.

Вилоят миқёсида прокурорлар аралашуви билан 353,5 млн. сўм иш ҳақи тўланди. Мuddати ўтказиб юборилган 1,3 млрд. сўмни ундириш ҳақида судларга 169 та ариза киритилди. Иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш бўйича бевосита хизмат бурчиларни адо этмаган мансабдор шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Иш ҳақлари ва пенсия пуллари ўзлаштирилган 32 та ҳолат бўйича жиноят ишлари кўзга тилиди.

Вилоятимизда Вазирилар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори босқичма-босқич ижрога қаратилгани боис нақд пулсиз савдо ва хизмат кўрсатиш доираси кенгайиб бормоқда.

Ҳаво ва темир йўл транспортларига патта сотувчи, коммунал хизмат тўловларини қабул қилувчи, аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб олувчи, автомобилларга ёқилги қуювчи шохобчалар, савдо залиннинг майдони 150 кв.метрдан зиёд бўлган турғун савдо дўконлари, рестороанлар, корхона ва муассасалардаги ошоналар, меҳмонхоналар, алоқа бўлиmlари терминаллар билан таъминланмоқда.

Президентимизнинг «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик объектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қўра савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғи корхоналарининг тўлов терминаллари билан жиҳозланмагани ҳамда ундан фойдаланиш талабларига риоя қилинмагани худди назорат-касса машинаси ўрна-тилгани ёки ундан фойдаланилмагани каби савдо ва хизмат кўрсатиш қондаларининг бузилишига тенглаштирилади. Бунинг учун масъул шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликка тортилади. Қонунни бузганларга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164-моддасига биноан энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробаридан ўн беш баробаригача, ЖКнинг 189-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баробаридан 600 баробаригача жарима, шунингдек икки йилгача ахлоқ тўзатиш иши, 6 ойгача қамоқ жазолари қўланилади.

Пластик карточкалар бўйича тўловларнинг қабул қилиниши Давлат солиқ идоралари ва ҳокимликлар томонидан назорат қилиб боришмоқда. Белгиланган тартибда мониторинглар ва текширишлар ўтказилмоқда. Фуқаролар ва юридик шахслардан тушган аризалар, «ишонч телефон»лари орқали бўлган шуржоатлар ўрганилиб, қонуний чоралар кўришмоқда.

Айрим «учар»лар пластик карточкалардаги маблағларни ҳам ўзлаштиришга уринган ҳолатлар аниқланди. Хусусан, «Миллий банк»нинг Қўрғонтепа филиали бош мутахассиси Т.Эргашев тумандаги учта умумтаълим мактаблари педагог ва ходимларининг жами 10,1 млн. сўм меҳнат таътили пуллари ўтказилган пластик карточкаларини бермаган. У «Мусаффо ҳаёт нури» ҳусусий корхонаси мансабдорлари билан келишиб, «Пайнет» шохобчасига ўрнатилган савдо терминалида икки ой мобайнида ушбу маблағни 506 минг сўм эвазига нақдлаштириб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборган. Бундан ташқари туман газначилик бўлинмаси ходимларининг пластик карточкаларига молиялаштирилган 440 минг сўмни ўзлаштирган Т.Эргашевни суд қилмишига яраша жазоланди.

**Зокржон ИСМОИЛОВ,**

Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Кечиримлик, багрикенглик, муруват энг яхши инсоний фазилатлардандир. Яхшилар яхши амаллари билан ибрат қўшади, алданган кимсаларни ҳақ йўлга бошлайдилар. Билмасдан ёки қасддан жиноят содир этган, қилмишидан пушаймон кимсаларни кечириб, авф этиш, бундан кейин ҳалол яшашларига имконият яратиш жамиятимиз инсонпарварлигининг мазмун-моҳиятини намоян этиди. Олий Мажлис Сенатининг Республикамиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида қабул қилган амнистия тўғрисидаги қарори ҳис-туйғуларини, нафсини жиловлай олмай жиноят содир этиб судланган, жазони ўтаётган, ишлари судга оширилган, муайян жиноятда айбон қилмишларига иқрор ва пушаймон бўлган маҳкум ва маҳбусларга кўрсатилган инсоний муруват бўлиб, дилларига кишанларни ечи. Уларга оқиллари бағрига қайтиш, ҳалол ишлаб, яшаш имкониятларини ҳавола қилди.

Шаҳар прокуратураси ҳуқуқ тартибот органи билан ҳамкорликда ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида тинимсиз иш олиб борапти. Судларга қўрилатган ишлар бўйича Амнистия тўғрисидаги қарор бандларида кўрсатилган шахсларнинг аризаларини қаноатлантириш ва тайинланажак жазони ўташдан овоз этиш ҳусусида илтимосномалар киритилмоқда.

Хусусан, Қўра туманида туғи-

либ, Фарғона шаҳрида яшаётган Маълуахон Мамажоновна ЖКнинг 223-моддаси, 1-қисмида қўзда тутилган жиноятни содир этган. Яъни, тегишли тартибда виза олмай, ҳужжатларни расмийлаштирмадан ноқонуний равишда чет элга чиқиб кетган. Бишкек шаҳрига бориб, у ердан Ис-тамбулга равона бўлган. Оравдан беш кун ўтиб Ўзбекистон Республикасига қайтиб кираётганида ушланган.

Жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар суди прокурор ёрдамчиси-

## ИМКОНИЯТ

нинг М.Мамажоновнага нисбатан Республика Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори 1-банди ва 7-бандини қўллаб, жиноят ишини туғатиш ҳақидаги фикрини, судланувчининг қилмишларига кўрсатилган инсоний муруват бўлиб, авф этишни сўраб ёган аризасини, муқаддам судланмагани, содир этган қилмиш унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киришини инобатга олиб, жиноят ишини туғатишни лозим деб топди.

Қувасойлик Акбаржон Гафаровга нисбатан ЖКнинг 140-моддаси, 3-қисми «а» банди ва 219-моддаси 2-қисми бўйича жиноят иши кўзга тилинган эди. У ҳужжатси 4 тонна пизез маҳсулотини Қирғизистон Республикасига олиб чиқиб кетаётган «ЗИЛ» русумли юк машинаси чегарада тўхталиб, текшириш учун боқжона масканига олиб борилаёт-

ганида, «Ласетти» русумли энгил машинасида йўлни тўсишга уринган. Бунинг улдасидан чиқа олмаган, олдинга ўтиб кетиб, йўлга тракторни қўндаланг қўйдирган ва юк машинасини тўхташга эришган. Ҳуқуқ-тартибот органилари ходимларига жиддий қаршилик кўрсатиб, машинадаги пизезни йўлга тўктириб юборган. Судланувчи аризасида қилмишидан пушаймонлигини билдириб, ўзига нисбатан амнистия қарорини қўллаш-ни сўраган. Суд унинг қилмиши унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кириши, биринчи бор жиноят содир этганини инобатга олиб, амнистия тўғрисидаги қарорнинг тегишли бандларига асосан унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини туғатишни лозим деб топди.

Олий Мажлис Сенати қарорига асосан 26 та жиноят иши юзасидан жавобгарликка тортилган 31 нафар шахс авф этилди. Ушбу жароён даврда этмоқда. Жавобгарликка тортилганларга тергов мобайнида амнистиянинг моҳияти тушунтирилиб, авф этиш борасида илтимосномалари бўйича суд тегишли ахримларини чиқармоқда.

Авф этилганларнинг аксарияти шурқоналар айтиб, бундан буён ҳалол ишлаб яшашга ваъда беришди.

**Нўмонжон ТҲУЛИЕВ,**  
Қувасой шаҳар прокурори

## ЖАҲОЛАТ БАНДАСИ

Рости, қўнда номини нафрат билан тилга олмоқчи бўлган кимсани йигит дейишга ҳам тилинг бормайди. Чунки ҳақиқат, мард йигитлар қандай ҳолатда бўлмасин жаҳлларига эрг бермайдилар, ўзларини турли вазиятларда ҳам тутга билдилар.

1977 йилда туғилган, ҳеч қарда ишламайдиган Суннатулло Аҳмедовнинг шайтон измига бўйсуна бошлаганига анча йиллар бўлган. Аникроғи, биринчи марта у Пахтачи туман судининг 1993 йил 23 июндаги ҳукмига асосан 3 йил озодликдан маҳрум қилинган эди. Иккинчи марта эса унга жиноят ишлари бўйича Булунгур туман судининг 2004 йил 17 ноябрдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25, 186-моддасининг 1-қисми билан 2 йил мuddатга ахлоқ тўзатиш иши жазоси тайинланган.

Ичкиликнинг қўлига айланган С.Аҳмедовни жорий йилнинг 3 май куни шайтон соат Ҳуқуқ бўйсунидирди. Шу куни тахминан соат 16:30 лар атрофида у маст ҳолатда Султанообод қишлоғидаги озик-овқат дўконларининг бирига танишини ахтариб кириб қолди. Дўконда сотувчилдан ташқари Зоҳид Бобоев ҳам ўтирган бўлиб, у ҳам анча ширақайф эди. Зоҳиднинг «Қалайсан, папан?», деган гапи Суннатуллонинг иззат-нафисига тегили. Улар дўкон ичида анча вақт бақир-чақир қилишиб, ташқарига чиққач муш-тлаша кетишди.

Баъзан ота-оналарнинг, олий ўқув юрталари ўқитувчиларининг мактабларида таълим савияси пасайиб кетгани тўғрисидаги эътирозларини тинглашга тўғри келади. Омади юришиб тест синовларида зарур баллини олган, институтнинг биринчи курсида ўқиётган талабаларнинг айримлари жунгина са-

Тасодифан келиб қолган Зоҳиднинг укаси Учқун Бобоев акасининг тарафини олиб, Суннатулло билан олишиб кетди. Шу орада тўлланган қўни-қўшинлар уларни ажратиб, ўзини газабдан тўхташмоқда Суннатуллонинг энгил автомашинасига зўрлаб миндириб юбордилар.

Ҳалеганда жаҳдан тушолмаган Суннатулло машинаси бардоқчидаги пичоқни қўйнига солиб ортиб қайтди. Борса жанжалга аралашган Учқун ҳали кетиб улгурмаган экан. Учқун ҳатто Суннатуллонинг қандай шахд билан келиб юрагига пичоқ санганини сезмай қолди. Атрофдаги одамлар зудлик билан Учқунни туман марказий шифохонасига жўнатишди. Афсуски, оғир жароҳат олган йигитнинг ҳаётини сақлаб қолишга шифокорлар ҳам ожизлик қилдилар. Энди-гина 34 ёшга қирган йигит шу кун оламдан кўз юмди.

Жиноят ишлари бўйича Пахтачи туман судининг ҳукмига қўра Суннатулло Аҳмедовга 11 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Бу мuddат широканга маъбулот саҳифасига олиб чиқилган мақсал жиноят тафсилотларини баён этиш-дангина иборат эмас. Айтмоқчимизки, агарда кенг жамоатчилик ўз вақтида Суннатулло сингари ёшликдан бебошлик кўчасига кирганларга тўғри йўлни кўрсатганларида бундай қабиҳ ишларга қўл урилмаган бўлар эди.

**Шеркул НОМЗОВ,**  
Пахтачи туман прокурори.

## САВОДСИЗ МУАЛЛИМЛАР

волларга ҳам жавоб бера олмай қийналишади. Ким ўқитган сени, деган танаҳши эшитишади.

Дарҳақиқат, уни ўқитган муаллимнинг ўзи саводсиз. Биронта «ҳожатбарор» топиб берган сохта, қалбаки диплом билан ишга жойлашиб олган. Шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли мактабларда меҳнат қонунчилиги ижросини ўрганиб, таҳлил қилиш жараёнида билимли, тажрибали муаллимлар билан бир қаторда саводсизлар ҳам дарс ўтаётганининг хоҳиши бўлади.

14-умумтаълим мактабининг бошланғич таълим ўқитувчиси М.Тошмирзаева Фарғона давлат

дипломи қалбаки. 30-умумтаълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси С.Мадрохимова, 37-мактабининг бошланғич таълим бўйича ўқитувчиси З.Ғофурова, 33-мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчиси Ш.Хусанбоеваларнинг Фарғона давлат университетини «бигитриб» олган дипломлари ҳам қалбаки бўлиб чиқди. Бошланғич таълими, жисмоний тарбияни қўра турайлик, қалбаки муаллимлар ҳатто аниқ фанлар бўйича ҳам тап тормай «сабоқ» беришаверган. Гуё ФДУнинг «Физика ва информатика» йўналишини битирган Х.Қирғизбоева 38-мактабда болаларга физика фанидан қандай «сабоқ» берганини тасаввур қилиш

қийин эмас. Айрим саводсиз муаллимлар ҳатто коллежларга ҳам ишга жойлашиб олган. Текшириш мобайнида Фарғона шаҳридаги мактаб ва коллежларда дарс ўтаётган Фарғона давлат университети, Қўкон давлат педагогика институти, Наманган Давлат университетида ўқимасдан, қалбаки дипломларга эга

чиққан 15 нафар «педагог»лар фош этишди.

Халқ таълими бўлимига қарашли ўқувчилар иходиёт марказининг тўғрак раҳбарлари М.Умрзоқова, Ю.Аҳмедова, 37, 13, 39-мактабга таълим муассасалари — болалар боғчаларида тарбиячи бўлиб ишлаган З.Хошимов, М.Эрматов, Ш.Тожибоеваларга Марғилон педагогика коллежини битиришгани тўғрисида «топирилган» дипломлар ҳам қалбаки бўлиб чиқди.

Ушбу ҳолатлар бўйича жиноят ишлари кўзга тилиди.

**Козимжон ЗОҲИДОВ,**  
Фарғона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

## ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

(Давоми. Бошлангани 1-бетда)

Илгари сайловда Қонунчилик (қуйи) палатаси депутатлигига номзодлар сайлов округлари бўйича сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилиб, яширин овоз бериш йўли билан сайланган бўлса, бу йилги сайловда фақат сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгалар. Чунки мамлакатимизда самарали кўппартиявийлик шаклланиб, тобора ривожланиб бораётгани фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан номзод кўрсатиш институтидан фойдаланишга зарурат қолдирмади. Бу ҳол ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг иштироки эътибор учун янада кенг имконият яратиб беради.

Ўтган сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 120 нафар депутат сайланган бўлса, бу йилги сайловда 135 нафар депутат сайланади. Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳам сайловда иштирок этиб, бу ҳаракатдан ҳам Қонунчилик палатасига 15 нафар депутат сайланади.

Шу билан бирга жорий йилнинг 27 декабрида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайлов ўтказилади. Мазкур сайлов якундари эълон қилинганидан сўнг уш кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Сенат аъзоларини сайлаш учун депутатларнинг қўшма мажлислари ўтказилишини эълон қилади.

Марказий сайлов комиссиясининг вилоятларда депутатларнинг қўшма мажлисларини ўтказиш санаси, вақти ҳамда жой кўрсатилган қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Мамлакатимизда шакллантириладиган Сенат аъзолари, яъни сенаторлар 100 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 84 нафари халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар қўшма мажлисида яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — 6 кишидан сайланади. Қўшма

мажлисда барча депутатлар умумий сонининг учдан икки қисми ҳозир бўлса, Сенат аъзоллигига сайлов ўтказиш учун ваколатли ҳисобланади.

Сенат аъзоллигига номзодни қўшма мажлисда иштирок этаётган депутатларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берса, у сайланган ҳисобланади. Овоз беришда тегишли миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, шу мажлиснинг ўзида такрорий овоз бериш ўтказилади. Сенатнинг қолган 16 нафар аъзоси эса фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида, давлат ва жамият фаолиятининг тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тайинланади.

Бундай тажриба кўплаб мамлакатларда мавжуд. Жумладан, Ирландия ва Италияда Сенатнинг ўн бир аъзоси Президент томонидан, Канадада Сенатнинг барча аъзолари умрбод генерал-губернатор томонидан тайинланади.

Конституциямиз ва сайловга оид қонуналарда Сенат аъзоллигига номзодларга ҳеч қандай ортиқча талаб ва чекловлар йўқ. Ҳолбуки, баъзи давлатларда ҳали ҳам мулкий, маълумотга оид ва бошқа чекловлар қўлланилади. Масалан, Канадада сенатор бўлиш учун номзод камида 4 минг долларга баҳоланадиган мулкка эга бўлиши зарур.

Сенатнинг қонунчилик палатаси депутатидан кўзга ташланадиган биринчи фарқи шундаки, у асосан халқ орасида, яъни вилоят ва туманларда меҳнат фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Сенат йиғилиши қаққилганда эса Қонунчилик палатаси депутатлари ишлаб чиққан қонун лойиҳалари ҳақида ҳар жиҳатдан, аввало, ҳаёт тажрибалиридан келиб чиқиб фикр билдиради. Демак, шу босқичда қонунларимиз янада маромига етади, халқимиз манфаатларига хизмат қилади. Шу маънода жорий йилнинг 27 декабрида бўладиган сайловда маҳаллий Кенгашларга кўрсатиладиган номзодларга овоз бериш чоғида уларнинг ҳар бирига сенаторга қўйиладиган талабларни мезон қилса адашмаймиз. Пировардида, биз юксак салоҳиятли депутатлар корпусини шакллантиришга эришамиз.

Ларини ҳимоя қиладилар. Олий Мажлис, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини шакллантиришда улар ҳам энг асосий сиёсий куч сифатида майдонга чиқадилар ҳамда ўш номзодларнинг сайланиши билан ҳокимиятнинг тузиш ва давлат бошқарувида иштирок этадилар.

Мустақиллик йилларида давлат қурилиши ва бошқаруви тизимини ривожлантиришда, хусусан, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва таъсирини кучайтириш, ижро

етувчи ҳокимият органлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш, қонунлар ва ҳуқумат қарорларини бажариш механизми қандай йўлга қўйилганлиги, сиёсий партияларнинг фаолиятини ошириш ҳамда жамоатчилик назорати каби масалалар марказий ўринни эгаллаб келмоқда.

Президентимиз ташаббуслари билан “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи аҳамият касб этмоқда.

Халқимизнинг фаолияти уларнинг сайловлардаги иштироки ва мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаолияти

(Давоми. Бошлангани 1-бетда)

Биргина курул-яроғ, портловчи моддалар ва ўқ-дориларнинг ноқонуний айлиниши билан боғлиқ 36 та, моддалар билан боғлиқ 2 та жиноят иши кўзга тушди.

Жорий йилнинг 9 ойда оғир турдаги жиноятлар 0,99 фоиз, ўта оғир жиноятлар 3,37 фоиз камайишига эришилди.

Қидирувдаги жиноятчиларни қўлга олиш ҳамда бедарак йўқалганларни аниқлаш мақсадида олиб борилган тезкор-профилактик тадбирлар натижасида 153 та жиноятчи қўлга олинди. Бедарак йўқалган 40 кишидан 16 нафарини охириги яшаётган жойи аниқланиб, уларига қайтарилди.

Ўтган даврда одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ 89 та жиноят аниқланиб, 92 киши қўлга олинди. Шу билан бирга Қорақалпоғистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликда гиёҳқўллик

моддаларининг кириб келиш йўллари ва манбаларини аниқлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида жиноятчилардан олинган гиёҳқўллик моддаларининг миқдори 109 кг 251,2 граммга етди.

Шунингдек, иқтисодиёт соҳасида жами 71 та жиноят аниқланиб, 83 та шахс жавобгарликка тортиди ва уларнинг 358 миллион 682 минг сўмлик мол-мулк мусодара қилиниб, шундан 306 млн. 900 минг сўмлик давлат тасарруфига ўтказилди.

Маълумки, спиртли ичимликларнинг жамиятга етказиш зарари ҳақида кўп гапирармиз. Қўплаб қонунбузарликларнинг мастлик таъсирида содир этилиши халқимизнинг бу боралдаги ҳавотирини бежиз эмаслигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб фаолиятимизда ичкиликбозликка, у билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашишга катта эътибор қaratилган. Хусусан, шу кунгача спиртли ичимликларнинг ноқонуний айлинишига доир 9 та ҳолат аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан жами 15 млн. 241 минг сўмлик 5002 литр этил спирти ва спиртли ичимликлар олиб қўйилди.

Ёшлар мамлакатимиз келажаги. Шу сабабли уларнинг тарбияси доимо диққат марказида. Ички ишлар органлари ходимларининг маҳаллий ҳокимият ва хотин-қизлар кенгашлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда олиб борган тадбирлари натижасида вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг камайишига эришилди. Ҳукуматимиз томонидан ёш авлодни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг чуқур билимли бўлишлари учун бир қатор ишлар амал-

ган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жа-патлиларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмаси сифатида намоён бўлди.

Кейинги вақтларда юзга келган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий воқеаларни инобат олган ҳолда ва қонун ижодкорлигини янада ижобийлаштириш, жамият ҳаёти билан сиёсий партиялар ролини кучай-

га оширилмоқда. Жумладан, ички ишлар органларида хизмат вазифасини бажариш вақтида вафот этган ходимларнинг фарзандларини ва Хужайли туманидаги 1-сон “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчилари ҳамда ички ишлар органларида хизмат қиладиган кам таъминланган эркин ёлланган ходимлар фарзандларининг ёзи таълибини кўнгилли ўтказишнинг таъминлаш мақсадида фармойиш чиқарилди. Унга асосан вазириятимизнинг Тиббий бўлими қарашли Даволаш ва соғломлаштириш марказида болалар учун лагер ташкиллаштирилди. Лагерда 100 га яқин бола 3 босқичда дам олди.

Қорақалпоғистон ички ишлар органларида фидоийлик қўрашиб хизмат қилган юртдошларимиз халқимизнинг ҳурмат-эътиборида. Республикаимизнинг дастлабки ички ишлар халқ комиссарлари бўлган Алшар Дўсназаров, Қасим Аъезов, Қорақалпоғистон милициясидаги дастлабки генерал-майор Уснад-

## ШАРАФЛИ БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

дин Ҳтемуратов, 17 йил давомда Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими бошлиғи давомиди ишлаган Жўдасбай Сайимбетов ва бошқа кўплаб милиция ходимларининг номлари абадийлаштирилганлиги уларнинг хизмати эл-юрт томонидан эътибор элитанинг исботидир.

Устозларнинг йўлидан бораётган кўплаб ходимларимиз мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, жиноятчиликка қарши курашда ҳормай-толмай хизмат қилмоқдалар. Намунали хизмати учун уларнинг бир нечтаси давлат мукофотларига лойиқ деб топилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари биноан 6 та ходим Илдаржаали “Шон-шараф” ордени, 1 нафар ходим “Меҳнат шухрати” ордени, 1 нафар ходим “Дўстлик” ордени, 8 та ходим “Жасорат”, 4 нафар ходим “Шуҳрат” ва 2 нафар ходим “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланганлар. Шунингдек, 22 та ходим “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист”, “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган экономист”, “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” унвонларига муяссар бўлишди.

Яқиндагина нишонланган касб байрами-миз, мамлакатимиз Президентини ва ҳукуматимизнинг бизга қаратаётган эътибори ва қўрсатётган ғамхўрлиги, халқимизнинг бизга “осойиштагимизни посбони” дея ишонч билан қарашни зиммагазиз улкан масъулият юклайди, профессионал бурчимизни шараф билан ўташга ундайди.

Хотин-қизлар сони депутатликка номзодлар умумий сонининг камдаида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим. Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатади.

Мамлакатимизни демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ошиб бораётган бў-ғунинг кунда сайлов кампаниясида сиёсий партиялар сайлов жараёнининг асосий субъекти эканлиги билан ажралиб туради. Депутатликка номзодлар фақат сиёсий партиялар юқори органлари томонидан кўрсатилади ва у сайловга олтимиш беш кун қолганида бошланади ва қирб беш кун қолганида тугайди.

Қонунчилик палатасини шакллантиришда сиёсий партиялар бевосита сайловларда ҳамда Спикер ва унинг ўринбосарлари сайловида, шунингдек, ўз фракцияларининг фаолияти орқали иштирок этадилар. Энг муҳими эса сиёсий партияларнинг сони эмас, балки уларнинг сиёсий мустақамлиги ва сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланишидир.

Мамлакатимиз тарихида иккинчи марта икки палатали парламентга ўтказиладиган сайловлар парла-ментта ва маҳаллий Кенгашларга одоли, юксак маданиятли, билимли, ҳаёт муаммолари ва халқ ташвишларидан хабардор бўлган муносиб юртдошларимизнинг сай-ланганини таъминлаши керак.

Адхам ОДИНАЕВ,  
Бош прокураторини Олий ўқув  
курслари ўқитувчиси

# САЙЛОВ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

барқарор ривожланиб бораётган сиёсий тизими, демократик талаблар ва халқаро-ҳуқуқий нормаларга тўлиқ жавоб берадиган сайловлар ўтказилишига мустаҳкам замин ҳисобланади.

Маълумки, 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Уларда сиёсий партияларнинг фаолияти ва улар ўртасидаги рақобат муҳити анча кучаяди.

Фуқароларимизнинг бўлажак сайловлардаги иштироки мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Сиёсий партиялар жамиятда кишиларни бирлаштириши ва уларнинг мақсад-мудда-ларини бирлигини таъминлайди, вакиллик органлари учун курашиб, ўз сиёсий туруқларининг манфаат-

ларини ҳимоя қиладилар. Олий Мажлис, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини шакллантиришда улар ҳам энг асосий сиёсий куч сифатида майдонга чиқадилар ҳамда ўш номзодларнинг сайланиши билан ҳокимиятнинг тузиш ва давлат бошқарувида иштирок этадилар.

Мустақиллик йилларида давлат қурилиши ва бошқаруви тизимини ривожлантиришда, хусусан, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва таъсирини кучайтириш, ижро

етувчи ҳокимият органлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш, қонунлар ва ҳуқумат қарорларини бажариш механизми қандай йўлга қўйилганлиги, сиёсий партияларнинг фаолиятини ошириш ҳамда жамоатчилик назорати каби масалалар марказий ўринни эгаллаб келмоқда.

Президентимиз ташаббуслари билан “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи аҳамият касб этмоқда.

Халқимизнинг фаолияти уларнинг сайловлардаги иштироки ва мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаолияти билан бевосита боғлиқ. Юртбошимиз “Ўзбекистон XXI асрга интилувчи” номи асарига сиёсий ҳаётини эркинлаштириш масаласига тўхталиб: “Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваламбор, аҳолининг сиёсий фаолиятини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарам-қарши кучлар ўртасида мувоозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур”, деб таъкидлаган эди.

Зеро, умумхалқ сайловлари орқали давлат бошлиғи ва вакиллик

органлари депутатларини сайлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 21-моддасида “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиши ҳуқуқига эга”лиги белгилаган.

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун билан “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 131-моддасида ўзгариш киритилди. Мазкур қонуннинг 1-моддасига қўра, сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузил-

тириш мақсадида Қонунчилик палатасида депутатлар сони ва таркибида катта ўзгаришлар рўй бермоқда.

Сайлов қонунчилигидаги қиринтирган ўзгаришларга асосан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси беш йил муддатта сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

Бугун аксарият ривожланган мамлакатларда аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш жараёни тўлиқ йўлга қўйилган. Уларда тўлов тизими пластик карточка ёки электрон тарздаги турли хил воситалар орқали амалга оширилади. Юртимизда ҳам ушбу тизимга ўтиш жараёни оммалашиб бормоқда. Аҳолининг бу борадаги саволларига ойдинлик киритиб

бор санашга сарф қиладиган вақтинини тежайди, қолаверса, ҳар қандай жойда ва истаган вақтда масофадан туриб тўловни амалга ошириш мумкин. Шунингдек, банк карточка ҳисоббарига турган пулларнингизга ҳисобналадиган фойз кўринишида қўшимча даромад оласиз.

Ҳозир тижорат банклари томонидан пластик карточкалардаги мабла-

лар учун ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини соддалаштиришдан ва пиорарида мамлакатда тўлов интязоини мустаҳкамлайди.

— **Ўз навбатида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Шулар ҳақида ҳам маълумот берсангиз?**

— Албатта бу ҳолатларни тартиб-

ҳокимликлари, манфаатдор идоралар, компаниялар, уюшмалар билан биргаликда қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2009 йил 1 октябрь ҳолатига тижорат банклари томонидан жами 5,5 млн. дан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, қарий 42 мингта савдо ва хизмат кўрсатиш объектида ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилди. Ушбу рақамларни ўтган йилнинг 1 октябрга нисбатан таққослайдиган бўлса, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 1,3 мартага, ўрнатилган терминаллар сони эса 2 мартага ошган.

Шу билан бирга, ўтган йилнинг 1 октябрга нисбатан пластик карточкалар орқали амалга оширилган амалиётлар қарий 3 бараварга кўпайди.

Бундан ташқари, пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш тўғрисида 2010 йилнинг 1 январигача тижорат банклари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш объектига ўрнатилган терминаллар сони 60 мингтага етказиш кўзда тутилган, ўз навбатида пластик карточка эгаларига янада қулайликлар яратиш юзасидан барча зарур чоралар белгилаб олинган.

— **Сиз юқорида савдо ва хизмат кўрсатиш объектида ўрнатилган терминаллар тўғрисида гапирсангиз. Айтингчи, мазкур терминалларнинг ўрнатилиш тартиби қай тарзда?**

— Ҳозирда Республика Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда “Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оши-

ришда уларни қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилган. Мазкур Низом жорий йилнинг 6 августидан кучга кирди.

Мазкур Низомга мувофиқ, савдо ва хизмат кўрсатиш объекти — мулкчилик шаклиларини, сотув ҳажмида, иншоотнинг ўлчамини ва ҳоказолардан қатъи назар, товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишга

# ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ТИЗИМИ —

тиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, департамент директори Аҳмад МАМАТОВНИ СУЎБАТА ТОРТИД.

— **Авало сўбатимизни нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг афзаллиги ва қулайликлари изох беришдан бошласак. Пластик карточкаларнинг қўлланилиши аҳолига қандай қулайликлар яратяди?**

— Мамлакатимиз ривожланиб бораётган, дунё таърибасида синналган, муваффақиятли ҳисобланган банк-молия хизматларидан тўғри ва унумли фойдаланишга эришилмоқда. Ана шундай хизматлардан бири бу пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимидир. Бунда даставвал, банкда сизга ҳисоббарак очилади, сўнг пулнингиз пластик карточкага туширилади.

Сиз шу орқали савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган пулсиз карточка (терминал) нақд пулсиз тўлов амалиётини амалга ошираверасиз. Пластик карточкалардаги маблағларнингиз банк кассалари ёки банкоматлардан нақд пул кўринишида олишингиз ҳам мумкин. Шунинг билан қайд этиш лозимки, пластик карточканинг жуда кўп қулайликлари мавжуд. Хусусан, ҳисоб-китобларнинг тежорлиги, яъни сизнинг навбатда туриб ёки касса олдида нақд пулни бир неча

ларга энг камида йиллик 14 фойз устам ҳақи тўланмоқда. Шу билан бирга пулни йўқотиб қўйиш, ўйирлатиш ёки уларни санадаги хатолар билан боғлиқ хатолар пластик карточка орқали амалга ошириладиган муомалада мавжуд эмас.

Пластик карточкалар ҳисоб-китобларини амалга оширишда фойдаланиладиган ахборотни ўзида сақлаб қолади. Барча харидлар ва кўрсатиш хизматлари учун амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотларни ёзда тутишга зарурат қолмайди. Чунки махсус ускуна ёрдамида пластик карточкадаги пулнинг ҳаракати тўғрисида бир неча сонияда маълумот олиш мумкин. Бундан ташқари, пластик карточка, берилган ҳудуд ва тижорат банкдан қатъи назар, республикамизнинг барча ҳудудлари ҳамда тижорат банкларига амак қилади, энг муҳими, ойлик иш ҳақини пластик карточкада олаётган фуқаро меҳнат таътилида ёки хизмат сафарига бўлса ҳам унга ўз вақтида иш ҳақини истаган тижорат банкнинг касса терминаллари ва жойларга ўрнатилган банкоматлар орқали олиш имкониятига эга бўлади.

Агар эътибор қаратадиган бўлсак, пластик карточкалар нафақат товар харид қилаётган ёки кўрсатиш хизматга ҳақ тўлаётган фуқароларга, балки барча ҳўжалик юритувчи субъект-

га солувчи кўлаб қонун ва қонунсиз ҳужжатлари мавжуд. Жумладан, мамлакатимиз Президентининг “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-433-сонли ва Вазирлар Маҳкамасининг “Пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 445-сонли қарори ва бошқа ҳужжатлари келтиришимиз мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитасининг “Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа ҳужжатлар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— **Табиики, янги усулни амалиётга татбиқ қилиш жараёнида кенг қамроғли ишларни талаб қилади. Шундан келиб чиқадиган бўлса, табиий бир аҳоли тўғрисида. Тижорат банклари томонидан пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?**

— Бу борада ҳозирда тижорат банклари томонидан шаҳар ва туман

## ҚАРОР ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

Мамлакатимизда амалга оширилётган иқтисодий ислохотлар натижасида банк-молия тизимида улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Эндиликда банклар аҳолининг ишончли ҳамкорига айланган борётгани қувонarli ҳол, албатта. Айниқса, дунё таърибасида синналган муваффақиятли банк тизимларини татбиқ этиш катта самара бермоқда. Бугун аксарият тараққий этган мамлакатларнинг аҳолиси нақд пул муомаласини пластик карточкалар воситасида ёки электрон тарзда амалга ошираётгани сир эмас. Биз ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимига босқичма-босқич ўтиб бораёямиз. Ўз навбатида янги усулни амалиётга татбиқ этиш жараёни норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарор ва шу тизимни тартибга солишга мўлжалланган бошқа норматив ҳужжатларнинг жойлардаги амалиёт юзасидан олиб борилган чора-тадбирлар асосида аниқланишича, айрим тижорат банклари, газначилик бўлиmlари, корхона ва ташкилотларнинг масул шахслари томонидан иш ҳақи ҳамда барча турдаги тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширишда жидий камчиликларга йўл қўйилмаётгани аниқланди. Жумладан, Денов туман газначилик бўлими ходимлари тумандаги 81-сонли ўрта мактаб ишчи-хизматчиларининг 15,3 млн. сўм иш ҳақини уларнинг розилигисиз тўлиқ пластик карточкаларга ўтказишган. Бу билан ходимларнинг қонун билан ҳимояланган манфаатларига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказилган. Шунингдек, тумандаги 37-сонли ўрта мактаб директори Н.Кенжаев ҳамда бош ҳисобчи И.Сувонновлар ходимларга тегишли пластик карточкалардаги 3,4 млн. сўм иш ҳақларини савдо шохобчаларига тегишли терминалларда нақдлаштириб, талон-торож қилганлар.

Бундан ташқари, Ургут туманидаги “Агробанк” филиали мутахассиси К.Набиев 71-сонли мактаб ҳисобчиси Р.Тошмуродова билан биргаликда шу мактабнинг 48 нафар ўқувчиларига белгиланган 1,3 млн. сўмлик иш ҳақини уларнинг розилигисиз бошқа пластик карточкаларга ўтказиб, савдо корхоналаридаги терминаллар ёрдамида нақдлаштириш орқали ўзлаштириб олишган.

Бошқа вазиятларда эса савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловни қабул қилишдан бош тортиш ҳолатлари учраб турибди. Масалан, Каттақўрғон шаҳридаги “Покиза плюс” хусусий фирмасига қарашли савдо дўкони сотувчиси Ю.Хидиров дўконидаги тер-

миналдан пластик карточка орқали савдо қилмоқчи бўлган харидорнинг таклифини рад қилиб, тўловни қабул қилишдан бош торган.

Худди шундай ҳолат Самарқанд шаҳридаги “Абдуғиёс-Х Фарм” масъулияти чекланган жамияти дорихонасида ҳам тақдорланган. Дорихона фармацевти Б.Шамсиева харидорнинг пластик карточка билан ҳисоб-китоб қилиш истагини рад қилади. Бундай ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида жойларда “Ишонч телефон”лари ташкил этилди.

Ҳозирги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими оммалашиб бораётган, жойларда савдо терминаллари ва банкоматларни белгиланган миқдорда ўрнатиш ҳамда улардан фойдаланиш борасида ҳам камчиликлар кўзга ташланмоқда. Жумладан, Касби туманидаги “Майдонов Лазизбек”, “Умид” фирмаси ва “Барака шароб савдо” унитар корхонаси раҳбари “Агробанк” туман филиалига терминал олиш учун ариза билан мурожаат қилганига қарамай, банк масъуллари томонидан терминал билан таъминлаш асосиз кечтирилган. Шунингдек, туманда жойлашган “Халқ банки” бўлимида ҳисоб рақами очиб фалият кўрсатаётган субъектларнинг 13 тасида терминал ўрнатилиши кўзда тутилган бўлса-да, бор-йўри 5 тасидагина терминаллар ўрнатилган.

Қорақалпоғистон Республикасида эса 13 та банкомат ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, амалда 9 та банкомат ишга туширилган. Бунинг оқибатида Нукус, Шуманай, Қонликўл ва Мўйноқ туманларида банкоматлардан фойдаланиш йўлга қўйилмаган.

Текширувлар жараёнида яна шу нарса маълум бўлмоқдаки, тижорат банклари томонидан мижозларнинг пластик карточкалар ҳамда терминалларга бўлган талаблари ўз вақтида қондирилмапти. Мисол учун, “Агробанк”нинг Чуст туман филиали томонидан 1372 нафар, “Миллий банк” томонидан 500 нафар мижозни пластик карточкалар билан таъминлаш чоралари қўрилмаган бўлса, “Матлуботсавдо” жамиятига қарашли озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи 8 та дўконида терминаллар етказиб берилмаган.

Юқорида келтириб ўтилган қонунбузарликлар бўйича айбдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилди.

Хулоса қилиб айтганда бўлса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини кенг оммалаштиришда барча тадбиркорлик субъектлари ва унга масул ташкилотлар масъулиятини янада кучайтиришимиз лозим бўлади.

Авазбек ЮСУПОВ,  
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Вазирлар Маҳкамасининг “Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2006 йил 3 августдаги 443-сонли ҳамда “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул

## ДОИМИЙ КУЗАТУВДА

маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли қарорлари қабул қилинган эди. Ана шу қарорлар ижроси амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва унинг ҳудудий тўғрисидаги филиаллари томонидан бир қанча ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, бу борада Хоразм вилоятининг ҳудудий бирлашмаси ва туман (шаҳар) жамиятлари томонидан аҳоли (истеъмолчи) ўртасида пластик карточкалар тўғрисида сўровномалар ўтказилди.

Сўровнома натижаларига кўра, терминал мавжуд ҳўжалик юритувчи субъектларда пластик карточка орқали тўловларни амалга ошириш рад қилинган ва барча турдаги товар маҳсулотларини сотиб олишда улардан тўлиқ фойдалана олинмаётганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга керакли маҳсулотнинг нақд пулдаги нархига нисбатан фарқи 8-10 фойзини ташкил қилаётгани ва пластик карточкаларга қўйилган маблағларни банк мажбасаларидан нақд пулда олинса, 10-20 минг сўмдан ортиқ берилмаётганлиги кўрсатилган. Мисол тариқасида, Шовот тумани Х.Оллоберганов хусусий корхонасига қарашли 5-сон дўконида, деҳқон бозори ҳудудидаги “Янгибозорсавдо” 4-дўконида ва гилам дўконида пластик карточка орқали савдо қилинганда маҳсулотларни 8-10 фойз қиммат нархларда сотиш ҳолатлари қайд қилинган. Мазкур қонун бўйича ҳолатлари бўйича ҳам маълумотлар тегишли органларга тақдим этилди. Шунингдек, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Фаргона вилояти ҳудудий бирлашмаси Қўқон шаҳар бўлинимасига жорий йилнинг сентябрь ойида шаҳардаги автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаларида ҳамда спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи дўконларда пластик карточка орқали савдо қилинмаётганлиги тўғрисида истеъмолчилар ариза билан мурожаат қилинган. Ариза юзасидан Қўқон шаҳар бўлинимаси мутахассислари томонидан мазкур АЕКШларда ўрганишлар олиб борилди. Маълум бўлишича, мазкур ҳўжалик юритувчи субъектлардан терминаллар банк ва солиқ ходимлари томонидан вилоят ҳокимининг қарори бор деган ваз билан ҳеч қандай сабабсиз олиб кетишган экан. Бу ҳолат бўйича Федерация томонидан ўрганиш ишлари олиб борилиб, терминаллар жойига қайтарилди.

Жамишд МАКСУДОВ,  
Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини  
ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси  
матбуот котиби

таъминлашлари шарт. Шу билан бирга, юқорида келтирилган рўйхатга киритилмаган бошқа савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ҳам тўлов терминаллари ўрнатилиши мумкин ва унинг тартиби мажбур Низомда белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда пластик карточка эгаларига янада қулайликлар яратиш мақсадида, ти-

баб бўлади.

Агар пластик карточкадан фойдаланувчилар нархни сунъий равишда ошириш ёки пластик карточкани қабул қилишдан бош тортиш ҳолатларида дуч келса, бевосита Давлат солиқ қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг жойлардаги бўлинмалари-

шартларига мувофиқ, лекин олинган маблағнинг 0,5 фоизидан ошмаган миқдорда хизмат ҳақи олинishi мумкин.

— **Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида пластик карточка ёрдамида тўловларни амалга ошириш бирмунча кенгайиб бормоқда. Аммо ўша чеккароқ ҳудудлардаги савдо ва хизмат кўрсатиш**

ҳамда улар зиммасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жалавобгарлик юкланади.

Низом талабларига қўра, савдо ва хизмат кўрсатиш объектиларининг сотувчи-ҳодимлари томонидан тўлов терминалларида фойдаланишни биламастлиқ сабаби билан банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилмаслик ҳола-

фоиз пасайтирилган ставка бўйича даромад (фойда) солиғи тўлайдилар.

— **Бизга маълум бўлишича, айрим савдо ва хизмат кўрсатиш объектиларида (дорихона, супермаркет ва ҳоказо) "VISA" карточкаларини қабул қилмаётган экан. Бу масалада қандай фикр билдирасиз?**

— Ҳозирги кунда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китобларни амалга оширишда 2 та тизимдан фойдаланилмоқда:

VISA — тизимида банк (фақатгина Узсаноатқурилишбанк) пластик карточкалари орқали мижоз ўз ҳисобрақамидда мавжуд маблағлари доирасида тасарруф этиш имконини беради.

DUET — тизимида эса банк пластик карточкалари электрон ҳамён вазифасини бажариб, мижоз ўз ҳисобрақамидagi мавжуд маблағларини терминал, банккомат ёки инфоқоскалар ёрдамида пластик карточкага кўчириб олади.

Ҳақиқатдан ҳам илгари мажбур тизимларни бириштирувчи ягона ускуналарни ўрнатилиш ва дастурий таъминот билан таъминлаш ишлари ўз якунига етмаганлиги 2 хил турдаги тизимнинг пластик карточкалари орқали савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминалларда тўловларни амалга оширишда қийинчиликлар бор эди.

Бутунги кунда Республика ҳудудидagi савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган VISA — тизими ёки DUET — тизимидagi терминаллардан қатъи назар DUET — тизимидagi банк пластик карточкалари орқали тўловларни амалга ошириш мумкин.

Қайд этиш лозимки, VISA — тизимидagi банк пластик карточкаларини ҳам ушбу дастурга боғлаш ишлари якунланган, бу борадаги ноқулайликлар бартараф этилди.

**"Нуқид" муҳбири**  
**Ўткиржон Дехқонов сўхбатлашди**

# ҚУЛАЙЛИК ВА АФЗАЛЛИКЛАР

жорат банклари деҳқон бозорлари маъмурияти билан биргаликда бозорларда ташкил этилаётган ярмаркаларда ҳам тўлов терминаллари орқали мева-сабзавот маҳсулотлари харид қилиниши ташкил этилмоқда.

— **Баъзан тўлов пластик карточка орқали амалга оширишга эришилганда, унинг сотувчи маҳсулот нархиға устима фоиз қўйилиши ҳолатлари ҳам учрамақда...**

— Тўлов пластик карточка орқали амалга оширилганини учун маҳсулот нархиға устима фоиз қўйилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Давлат солиқ қўмитаси томонидан биргаликда ишлаб чиқилган "Тўлов терминаллари билан ҳижозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида" ги Низом талабларига қўра, банк пластик карточкалари орқали тўловлар амалга оширилганда товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари асоссиз равишда оширилишига йўл қўйилмайди.

Ҳаттоки бундай салбий ҳолатлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондиладарига" ги мувофиқ, Мазмурий жавобгарлик ва Жиноят кодексларига асосан жавобгарликка тортилишига са-

га ёки тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишлари мумкин.

— **Пластик карточкадан маблағни ечиш учун хизмат ҳақи мавжудми?**

— Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, пластик карточкаларда пул маблағларини исталган тижорат банклари кассаларидаги банккомат ва терминаллардан бемалол нақд шаклда ечиб олиш мумкин.

Шу билан бирга, тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш мақсадида, ягона тарифлар ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунда барча тижорат банклари мажбур ягона тарифлар бўйича пластик карточкалар асосида ҳисоб-китобларни амалга оширмақда. Хусусан, мажбур ягона тарифларга қўра, пластик карточка эгалари хизмат кўрсатувчи банк кассаларидан иш ҳақи лойиҳаси бўйича нақд пул олиш амалиётларини амалга оширилганда хизмат ҳақи олинмайди.

Пластик карточкага қонунчиликда белгиланган тартибда турли мақсадларда, масалан, ижара ҳақи, автомобиль ёки бино сотишдан нақд пулсиз шаклда келиб тушган маблағларни банк кассаларидан нақд пул шаклида олинаётганда шартнома

объектларида ўрнатилган терминалларнинг ишлатилиши талаб даражасида эмаслиги аҳолиға муаммолар келтирмоқда. Бу борада қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда?

— Саволнинг ўзини. Ҳа, айрим савдо, умумий оқватлишни ва пуллик хизмат кўрсатиш корхоналарида тижорат банклари томонидан хоризжий валюта маблағлари эвазига олиб келинган терминалларни атайлаб ишлатмаслик ҳолатлари учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Давлат солиқ қўмитаси биргаликда ишлаб чиқилган Низом талабларига қўра, савдо ва хизмат кўрсатиш объектиларида банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилиш бўйича тўлов терминалларининг мавжудлиги ва улардан мажбурий равишда фойдаланиш устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Қайд этиш лозимки, савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари томонидан тўлов терминаллари билан ҳижозлаш ҳамда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги назорат-касса машиналарини ўрнатилиш ҳамда фойдаланиш тартиби, савдо ва хизмат кўрсатиш қоилаларини бузишга тенглаштирилади

ти савдо ва хизмат кўрсатиш қоилаларининг бузилиши, деб ҳисобланади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари сотувчи-ҳодимлари (масъул шахслар) томонидан тўлов терминалларининг носозлиги баҳона қилиниб, банк пластик карточкалари орқали тўловлар қабул қилинмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Агар, тўлов терминаллари ўрнатилган дўконлар томонидан тўловларни пластик карточкадан қабул қилиниши рад этса, харидор дарҳол давлат солиқ хизмати органларига "ишонч телефони" лари орқали ёки ёзма тарзда мурожаат қилиниши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, пластик карточкада хизмат кўрсатиш тадбиркорлик субъектилари учун ҳам фойдалидир. Бу борада ҳукуматимиз томонидан имтиёзлар белгиланган. Хусусан, Президентимизнинг "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги 2006 йил 3 августдаги Қарорига асосан хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига пластик карточкалар қўлланиб, тўланган ҳажмдан амалдаги ставкаға нисбатан 10

# ТЕЗКОР, ИШОНЧЛИ ВА ҚУЛАЙ. ЛЕКИН...

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, банк-молия тизимини янада тақомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, аҳолиға хизмат кўрсатиш сифатини ошириш йўлида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижада соҳада сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Буларнинг ҳаммаси аҳолиға қулайлик яратиш, уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётгани ҳам, натижада эса республикамиз иқтисодиёти юқалиши томон буйи чўзгани ҳам бор гап.

Бу борада, айниқса юртимизда фаолият кўрсатаётган банкларнинг аҳоли учун қулай ва тезкор хизмат турларини тақлиф этаётганини алоҳида эътиҳор этимаслик инсофдан эмас. Қолаверса, яхши ҳодимлари ҳам "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамоилини асосида фаолият юритиб, ҳалқимизга хизмат кўрсатишини турли имконият ва воситалардан тўла фойдаланишмоқда.

Аҳолиға тақлиф қилинаётган янги хизмат турларидан бири шубҳасиз пластик карточкалардир. Тан олиш керак, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган пластик карточкалар ҳавфсизлиқни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, улар тезкорлиги, ишончлилиги ва қулайлиги билан мижозлар талабига тўлиқ жавоб беради. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада кенгайтиришда қўл келмоқда. Энди ҳаммаюрини қаппайтириб, пул кўтариб юрмайсиз. Ишончиз ҳам тез битади. Бунга каминна ҳам иссиқ сув, электр ва бошқа маиший хизматлар учун пул тўлашда амин бўлишим. Бир сўз билан айтганда, буларнинг ҳаммаси аҳолиға қулайлик яратиш мақсадида пухта режа асосида ташкил этилганлиги бонс, таҳсинга сазовордир.

Аммо... Аммо бу борада ҳам айрим ноқулайликлар, муаммолар пайдо бўляпти.

Биринчидан, пластик карточкаға белгиланган маблағ ўтказилгандан кейин мижоз банккомат топиши ва карточкани "зағружать" (оқлатиши) керак. Акс ҳолда карточкани ишлатоламайсиз. Банккоматлар бўлса, асосан банкларда жойлашганлиги бонс, ўша кунни иш вақтининг маълум қисми йўлда ўтади. Пластик карточка жорий этилиши билан банккоматларни ҳам етарли миқдорда ўрнатилиш лозим эмасмиди?!

Иккинчидан, пластик карточка жорий этилгач, уни ишлатиш борасида айрим са-

воллар пайдо бўлдики, унинг жавобини нафақат мижозлар, балки, терминал орқали ҳисоб-китобни амалга ошираётган аксарият алоқа бўлимлари, савдо шохобчалари-ю ошона ҳодимлари ҳам билмасликлари аён бўлмоқда. Фикримизни мисоллар билан изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

Масалан, каминанинг пластик карточкаға эга бўлганига уч ойча бўлиб қолди. Ўтган давр мобайнида, карточкани ишлатмоқчи бўлган дегарли барча ҳолатларда, терминал эгалари уни олиб, керакли тўғаларни босадилар-да, коддини сўрашади. Керакли суммани чегириб қолган эса, карточка билан чекни қайтариб беришади. Фақат бир марта "Чорсу" бозоридаги гўшт маҳсулотлари сотишга иختисослашган дўкондаги кассир қиз карточкани терминалға ўрнатгач, уни мен томон ўтирди-да, "коднингиз теринг" дея ўзи тескари қараб турди. Назаримда фақат шу кассирини тўғри йўл тутди. Ахир "Pin-Kod" сир сақлиниши керак-да!

Ўтган ҳафта навбатчи бўлганим учун ишдан кечроқ чиқдим. Соат тунгги 12 лар бўлиб қолган. Метронинг "Амир Темур хиббони" бекатиға тушиб, пластик карточкани ишлатмоқчи бўлсам, ҳодим "Терминалимиз икки кундан бери ишламапти" дея жавоб берди. Унинг айтишича, усталаб келиб, таъмирлашгач, бир соатинча ишлаб, яна бузилганмиш?! Нақд пулга сотиб олишга тўғри келди. Поезд келишини кутиб ўтирар эканман, ўйлиниб қолдим. "Яхши ҳамки, ёнимда нақд пул бор экан. Йўқ... Ярим кечаси уйга етиб олиш учун кимга сараяр эдим?! Карточкадан бир эмас, юзта жетонга етадиган пулинг бўлса-ю сотиб ололмасан?! Алам қилмайдими?! Эртасига эрталаб, "Бундэкор" бекатида бошқароқ ҳолат юз берди. Кираверишда жетон сотувчи пластик карточкани кўриб, "Асакабан-никнимиз" деб сўради. Йўқ, деганимдан кейин, терминалға ўрнатиб, ишлатмоқчи бўлдим. Анча урингач, "Ишламади" дея қайтариб берди. Ишламаган терминални ё карточкани, сўрасам, елкасини қисиб қўя қолди...

Бу воқеалардан сал олдинроқ булардан-да қизқироқ ҳолат юз берган эди. Ўша кунни қўл телефониға пул тўлаш мақсадида ишдан қайтишда йўлим бўлгани учун "Билайн"нинг бош офисига кирдим. Оператор қиз карточкани олгач, телефон рақамим билан фамилияمنى сўради. Айтдим. Компьютерини иш-

латиб, маълумотларим хатланган файли топгач, "Энди шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатингизни ҳам кўрсатинг" дели дабуруст-дан. Ҳайрон бўлдим. "Компьютерингиздаги телефон рақамининг рўнарасига исм-шарифини ёзиб қўйибди-ку! Е айтанларим но-тўғри эканми?" деса, "Бу карточка сизникими йўқми, билмайман. Балки бировникидир" дели хотиржамлик билан. Ҳаҳлим чиқиб кетди. "Барака топгур, ахир пластик карточкамдаги билан рақамимға бириктирилган исм-фамилия бир қил эмасми?" деганимдан кейин стулни тарақлатгач ҳажд билан ўрнидан туриб, офиснинг нариги бурчағига кетди. Ҳайратим янада ошди: наҳотки республикадаги етакчи уяли алоқа компаниясининг бош офисида атиги биттагина терминал бўлса? Бундан чиқди, пластик карточка эгалари эндиликда карточкадан ташқари шахсларини тасдиқловчи ҳужжатларини ҳам олиб юришлари керак экан-да! Балки бу операторнинг тутган йўли тўғридир. Ундай бўлса, нима учун бошқа терминал эгалари карточкани кўриб, ҳужжат сўрашмайди? Ваҳоланки, айнан уларнинг ҳисоб-китобда ҳужжат сўрашгани мақсад мувофиқроқ ҳисобланмайди?! Ундан ташқари, майли, бундан буён ёнимизда шахсимизни тасдиқлайдиган ҳужжат ҳам олиб юрдик, дейлик. Аммо ҳудо кўрсатмасин-у карточкаға қўшиб ҳужжатимизни ҳам йўқчи қўйсақ-чи?! Карточкани-ку жаримасини тўлаб, шу заҳоти оламиз. Бирок, ўша ҳужжатимиз паспорт бўлса-чи? Ана энди бош офисни кўринг: ўша карточканинг янги-сини олиш учун биринчи галда паспортни кўрсатиш керак эмасми? Майли, маълум вақтдан кейин янги паспорт олдингиз ҳам дейлик, лекин унчага йўқотган карточкангизни топган олам қандай йўл тутаркин? Агар инсофли бўлса, қайси банктан берилганиға қараб, ўша манзилга олиб келар. Акси бўлса-чи...

Айрим ошхоналарда эрталабки соат 10 гача ва кечки 18 дан кейин терминаллар ишлатилмайди. Баъзи супермаркетларда эса, бир неча касса аппаратлари ўрнатилгани ҳолда, фақат биттасида терминал бўлиб, айнан шу ерда қўпича одам тирбанд бўлади. Бу ҳам майли, бироз кутсақ, асакамиз кетмайди. Бирок...

Янқинда Тошкент вилоятинда яшовчи бир танишим айтиб қолди: туман марказидаги

дўконға чиқиб ёр қоп ун харид қилиб, пулинг карточка билан тўламоқчи бўлибди. Сотувчи маҳсулотни кўрсатилган нархда фақат нақд пулга сотишини, карточка орқали бўлса, устиға устима қўйилишини билдирди. Танишим ноилж, карточка билан ўша маҳсулотларни белгиланган нархдан қимматроққа харид қилибди. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондиладарига" та биноан, товарлар учун харидорлар учун нақд пуллик ҳисоб-китоблар назорат-касса машиналарни қўлланиладиган ҳолда амалга оширилади. Савдо залининг майдоини 150 кв. метрдан ортққ бўлган турғун савдо шохобчаларида тўловни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш учун терминаллар бўлиши керак.

Адлия вазирлигида 2009 йил 27 июлда 1986-сон билан рўйхатга олинган "Тўлов терминаллари билан ҳижозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 12-бандига мувофиқ эса, банк пластик карточкалари орқали тўловлар амалга оширилганда, товарлар (ишлар, хизматлар) нархлари асоссиз равишда оширилишига йўл қўйилмайди. Шунга биноан, харидор томонидан савдо нуқтасида маҳсулот харид қилинганда, нақд пул билан пластик карточка ўртасидаги нарх-навода фарқ бўлиши мумкин эмас, деб белгиланган.

Хулоса ўринда айтгандан бўлсақ, юқорида қайд этилганидек, ҳукуматимиз томонидан аҳолиға яратилаётган қулайликлар, уларнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилган ислоҳотларни яна бир бор таъкидлаган ҳолда, банк-молия тизими мутасаддиларига қўйиладигач тақлифимиз бор эди. Агар улар телевидение, радио ва ОАВ-лар орқали чиқарил қилиб, пластик карточкаларнинг ишлатиш йўллари ҳақида батафсилроқ тушунтиришлар беришса, ўйлаймизки, фойдалан холи бўлмасди. Шунингдек, терминаллар ўрнатилиб, пластик карточкалар билан савдо қилишга иختисослашган барча ошхона, савдо шохобчалари, маиший хизмат корхоналари ва бошқаларда эса юқорида келтирилган қарор ва Низомдан тегишли бандни ҳамда бошқа қўлланилган эслатма тариқасида ўрнатиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Фоғуржон АЛИМОВ**

Собир (исм-шарифлар ўзгартирилган) эшикнинг тақдирини уйғониб кетди. Девордаги осма соатга қаради. Тунги ўн бир...

“Шу бемаҳалда ким экан?” деган хаёлда тимирскиланиб, йўлак чироғини ёқди. Эшикни очдию, рўпарасида турган йигитни кўриб ҳайрон бўлиб қолди.

— Неъмат, сенмисан? — деди қаршидаги йигитга бошдан-оёқ кўз югуртириб.

Неъмат ёқавайрон, сочлари тўзган, оёқда аранг турар, кайфи тарақ эканлиги шундоқ кўриниб турарди.

— Менман... — деди Неъмат чайқалганча ичкарига ўтаркан.

— Нима гап, тинчликми? — ҳамон таажжубини яширолмай сўради Собир.

— Йўқ, тўс-тўполон... қиёмат-қойим...

— деди Неъмат деворга суянганча чўнтагини кавлаб, сигарет чиқараркан.

бўлганимиз учун, сенга раҳим келгани учун бераямман. Кейин суришиб кетармиз.

— Уйга кетсам бўларди-да, ака... — йиғламирди Неъмат.

— Кетасан, бу ерга экиб қўйишмайдику, ахир? — мулоим оҳангда деди Собир.

— Кап-катта йигит уйингга икки қўлингни бурнингга тикиб боргани уялмайсанми?

— Майли эди... — яна пикиллашга тушди Неъмат елкалари титраб.

— Бўлди-да! Бор энди, ётоғингга бориб, дамнинг ол. Эртага гаплашамиз. Мен телефон қилиб, “Паша” ниям, Хуснидиниям топаман. Масалани кўндаланг кўяман. Ҳаммаси яхши бўлади...

Неъмат бош чайқанган кўйи, гандираклаганча чиқиб кетди.

Собир хонада ёлғиз ўзи қолди. Негадир уйқуси ўчиб кетди.

миқдордаги барча Ўзбекистон сўмларини йиғштириб олиши. Хуснидин ишларни ташкил қилиб туриш учун Ўзбекистон Ҳаво йўллари орқали Москвага учиб кетди. Собир ҳамқишлоқ йигитлар билан бирга йўлга тушди. Поездда тайёр купелар қайда? Жуда азобли сафар бўлди...

Уларни Россия Федерацияси ҳудудида олинган келишилган “Паша” исмли йигит кутиб олди. Йигитлар қандайдир ишчилар ётоқхонасига жойлаштирилди. Аммо ҳадеганда ишнинг бошланиши қийин кечди. Аввалига йигитларни ўша ҳудуддаги йирик ҳарбий қисмлардан биридаги катта бир қурилиш объектга ташлашди. Қурилиш ишлари деярли тугаган, шунинг учун асосан машина-машина чиқиндиларини тозалаш, ортиш билан шуғулланиши. Шу тахлит бир ой ўтди.

Бу пайтда “Паша” ҳам, Хуснидин ҳам

маган. Энди улар ҳар қандай ишни қилишга мажбур бўладиган ҳолатга тушиб, ҳали-ҳана келишилган иш ҳақларини оломай, сарсон бўлиб юришибди. Собирнинг эса ҳамқишлоқлари олдига юзи қора бўлиб қолаётгани ёмон бўлайпти. Қандайдир чора кўрилмаса бўлмайдиган кўринади. Лекин қани ўша чора? Қайда?

Собир шу кеча ухламади. Янтоқ устида ётандек, ўрнида тўлғаниб чиқди...

\*\*\*

Эртасига эса кутылмаган воқеа юз берди. Собир йигитлар вақтинча жойлашган хароб ётоқхонага бора, тўққизта ҳамқишлоқ йирик қисмлардан биридаги катта бир қурилиш объектга ташлашди. Қурилиш ишлари деярли тугаган, шунинг учун асосан машина-машина чиқиндиларини тозалаш, ортиш билан шуғулланиши. Шу тахлит бир ой ўтди.

Бу пайтда “Паша” ҳам, Хуснидин ҳам

## ДАДАШГАНЛАР ҚИСМАТИ

— Бундоқ тушунтириб гапирсанг-чи, тентак, — деди Собир ўзини кўлга олиб.

— Қаерда отволақолдинг? Нега ичдинг?

— Алаимдан ичдим, ака, алаимдан!

— деди Неъмат кўкрагига муштлаб. — Нега бизни бу ерларга бошлаб келдингиз?..

— “Қишлоқда иш йўқ, Ёрдан беринг. Мен ҳам Россия томонлардан пул топиб келай” деб ёлворган ўзинг эдинг-ку? — деди Собир ҳамон нима гапнингни тушунолмади.

— Ёл-ғон! — сигаретига гутурт чизаркан, пастанд тепага қараб хўмрайди Неъмат.

— Сиз, уртоғингиз Хуснидин ака икковинглар таклиф қилдинглар... “Борсанглар зўр бўлади. Ҳаммангларга иш топилади” деб мақтадинглар. Мен ҳам ишониб, бошқаларга қўшилиб келдим...

— Бошқалар бинойидек юришибди. Сени нима жин урди? — кифт қоқиб кўйди Собир.

— Гапни айлантирманг, Собир ака, ? кўл ситлади Неъмат жаҳл билан. — Ҳамма ўзи жонидан тўйиб юрибди. “Агар Россияга бориб олсак, ҳар бирингиз биринчи ойга 200, 300 доллардан олиб турасизлар, мен кафилян” дегандингиз. Ҳаммаингиз сизга ишониб, паспортларимизни топширгандик. Бир ой туғул, у ойдан бери шимилдирик ҳам олмадик-ку?..

— Ношукур бўлма, Неъмат. Оч-яланғоч қолмайсан. Ҳаммасини битта қилиб, қурдук санаб оласанлар!

— Мана шу ерга яна ёлғон гапираятсиз, ака-а! — инграб юборди Неъмат. — Нега алдасиз? “Қурилишларда ишлайсизлар” дегандингиз... Келганимиздан бери ахлат тозалашдан нарига ўтмаяпмиз...

— Нима демокисан ўзи? Мен билан тортишгани келдингми? — еб қўйгудек бўлиб унга тикилди Собир.

— Бошқаларни билмадим-у... менинг паспортимни беринг! — деди Неъмат қатъий оҳангда. — Берадиган, ўша доллар-полларларингиз ҳам керакмас. Паспортимни берсангиз бас, уйга кетаман!..

— Паспортинг йўқ, — совуққина қилиб деди Собир. — Уни “Паша” деган йигит олиб кетган.

— Яна қанақа “Паша”? — тушунмади Неъмат.

— У ўша, сизлар ишлаётган объектларнинг бошлиғи, — деди Собир истар-истамас. — Паспортларини вақтинчаликка, кетиб қолмасликларинг, бошқа жойга ишга ўтиб кетмасликларинг учун, ҳар эҳтимолга қарши олиб қўйган.

— Қ-қаерда ўзи... ўша “Паша”? — сўради яна Неъмат.

— Ҳозир у Москвада. Зарур юмушлар билан кетган. Шунинг учун ойлук маошларинг ушланиб турибди. Қайтиб келсин, маслаҳатлашамиз. Ҳақларингни ундириб бераман.

— Ана шунисига ишонгим келмайпти, — бошини кўйи солди Неъмат ва яна Собирга юзланди. — Жон ака, мен кетай!.. Жуда қийналиб кетдим... Паспортимни, кейин йўлқира ҳақимни берсангиз бўлди...

— Аҳмоқ гапни гапирма! ? жеркиган оҳангда деди Собир. — “Паша” келсин. Паспортингизни, пулларингизни оласан-у, кейин кетаверсан. Ҳозир эса...

Собир шундай деб ичкарига кириб кетди-да, бир даста пул олиб чиқиб, ярмини унга узатди:

— Ҳозир мана бунни олиб тур! Шерикларингга билдирма! Азбаройи ҳамқишлоқ



“Қасофат! Ширин уйқуни ҳаром қилди-я!” — гудранди у.

Шундан кейин анчагача катаклекки-на хонада у ёқдан бу ёққа юриди, асабий ҳаракатлар билан сигарет тутатди, ароқ куйиб ичди. Барбир, безовтавий босилмади. Баттар кучайиб бораётгандек туюлди назарида...

\*\*\*

Собир Аъзамов 1962 йилда туғилган, 48 ёшини қоралаб қолган йигит бўлишига қарамай, хавотирга тушиши бежиз эмас эди.

Ҳаммаси эрта ёз кунларининг бирида, эски оғайниси Хуснидин Туроповни учратиб қолган пайлардан бошланди. Гузарда яримта ароқни майдалаб, анча суҳбатлашиб ўтириши. Хуснидин ишсиз, қийналиброқ юрганидан оғиз очди ва гап орасида “Қандай қилиб мўмай даромад қилиш мумкин?” деган масалага тез-тез тўхталиши.

Хуснидин бало йигит экан. Худди Собирнинг кўнглидаги гапларни топди. Маслаҳат пишиди. Келишиши ва эртасигаёқ ўнчата одамни ишга жалб этиб, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда, Россия Федерацияси ҳудудига олиб чиқиб кетишга келишиши.

Шундай қилиб, амалий иш бошланди. Одамлар меҳнатидан фойдаланиш учун ўн нафар ҳамқишлоқларини алдашди. Қурилишлар авж олган кезлар эди. Талабгорлар ҳам дарров топила қолди.

Қармоққа биринчи бўлиб, қишлоқ фуқаролари М.Шамсиев, С.Топиболдиев, Т.Ражабов, кейин Р.Қурбонов, Қ.Абдурахмонов, Ҳ.Содиқов, Н.Собитов, З.Жалилов, А.Хўжаев, У.Пулотов сингари йигитлар “Алиниши”.

Уларга Россия Федерациясидаги қурилиш иншоотларида сарларомад ишлар таклиф қилиб, биринчи ойда ҳар бир кишига 200-300 АҚШ долларидан ваъда қилишди. Уларни қизиқтириб, ишончларига киритишган, йигитларнинг ҳар биридан ҳужжатларни расмийлаштириш ва йўл харажатлари учун 100.000 сўмдан, ҳам бир миллион сўм миқдорда пул йиғиб олишди.

Ёлланган йигитларни Ўзбекистон Республикаси ва Қозғистон Республикасини ажратиб турадиган давлат чегараларидан қай йўл билан олиб ўтишганини Собир билан Хуснидиннинг ўзи-ю, Худо билди, ҳолос.

Энг аввало, йигитларда мавжуд йирик

гойиб бўлишган, уларнинг қаерда эканликларини Собир ҳам аниқ билмасди.

Бу орада битта-яримта ҳамқишлоқ йигитлар ойлик маош талаб қилиб, йиғишиб қолишди. Собир уларга оз-оздан пул бериб, зўрга тинчтиди.

Орадан кўп ўтмай, Хуснидин пайдо бўлди. У бу ерда тайинли иш топилаётгани, шунинг учун ёлланган йигитларни Кавказ ҳудудида олиб кетишни, у ерда нақд ишлар борлигини, у ёқдаги объектларда ишчи кучига талаб катта эканлигини айтди. Икки-уч кун ичида йўлга таратилди, бирок тўхтаб қолишди.

“Паша” ҳозирча одамларни олиб келмасликларини телефон орқали айтибди-ю, охиригача гаплашолмабдилар. Алоқа узил-қолибди. Ушандан бери тайинли иш йўқ. Ҳали у қурилишга боришди, ҳали бу ҳўжаликка. Дуч келган ишни қилишди.

Бундоқ қараганда, Собирда ҳам айб йўқ. У одамларга яхшилик қиламан деб, жиноятга кўл урганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ҳамқишлоқ йигитларнинг унга нисбатан на моддий, на маънавий даъволари бўлиши мумкин эмас.

Энг қатогни, ҳамқишлоқларини Россияга бориб, “соққа” ишлаб келишга даъват этган, уларнинг ишончини қозониб, бу ёқларга бошлаб келганларнинг бири ҳам унинг ўзи эди. Ҳар ойига 200-300 АҚШ долларидан иш ҳақи берилишига ўзи ҳам ишонган, бу ерларда яшаш ва меҳнат қилиш учун ҳар қандай шароит муҳайё бўлажанига у ҳам ишонганди.

Ёлланган йигитлар ўтган уч ой мобайнида бир неча қурилиш объектларида, фирмаларида, ҳўжаликларда ишлашди-ю, аммо бир тийин ҳам олишолмади. “Паша” билан Хуснидин эса қаерлардаир ялло қилиб юришибди. Ҳойнаҳой, улар сохта ҳўжатлар-у, йигитларнинг паспортларидан фойдаланган ҳолда, уларни расмийлаштириб, ўн нафар ишчи кучи ва бажарилган оғир ва яғир ишлар учун белги-ланган иш ҳақларини аллақачон ўзлаштириб бўлгандирлар? Ўн кишининг уч ойлик иш ҳақи озмунач пул бўладими? Мана энди ҳаммасига Собир балоғардон бўлиб ўтирибди. Нима қилиш керак? Қаёққа боришди? Қай деворга бош уришди? “Паша” эҳтиёт шарт йигитларнинг шахсини тасдиқловчи ҳўжатларини, паспортларини йиғштириб олиб кетган. Йигитлар билан меҳнат шартномаси ҳам тузил-

ганда кетиш учун ярағулди озми-кўпми пули бор эди...

\*\*\*

Бу хунук ва кўнгилисиз воқеалар яқинда алоҳита етди.

Билиб туриб, одам савдоси билан шуғулланган ва жиноятга кўл урган Собир Аъзамов ва Хуснидин Туроповлар кўлга олинди. Улар устидан жиноят иши қўзғатилди. Икковлариям қилмишларига яраша жазо олдлар.

“Паша” исмли шахси номаълум қорчалон эса изсиз йўқолди.

Қолган ҳамма йигитлар ўз юртлари Ўзбекистонга қайтарилди.

Бу ҳодалар кимлар учундир жиноят, кимлар учундир жазо сифатида қўлланган бўлиши мумкин. Аммо биз бундай кўнгилисизликлар “жаннат излаб”, мўмай пул топиш дардида ўзга мамлакатларда хонавайрон бўлиб юрган, алашган юртлошларимизга сабоқ бўлишини истардик...

Акмал АСРОРОВ,

Бош прокуратор бўлим катта прокурори,

Эркин УСМОНОВ, журналист

Кўшни кампир Теслиме аянинг уйида бироқ пул жағғариб бораётганини эшитган кунидан бери Ботирнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилди) кўнглига бадният оралади. Кампирнинг ҳеч кими йўқлигини билган йигит унинг пулларини кўлга кириштириш уйларида. Хаёлан турли режалар тузиб, бир қарорга келди.

18 май куни Ботир уйдагилари севиқ қолишларидан ҳалиқсираб кечки овқатга ҳам келмади. Вақт алламаҳалд бўлганда кампирнинг эшигини тақил-ланди. Уй эгаси эшикни очавермагач, кўлфни бузишга ҳаракат қилди. Эшик сиртига қопланган гилофни тортиганди, йиртилди кетди. Бемаҳалдаги ташрифдан хавотирланган ая амаллаб эшик олдига келди.

— Ким? Ким керак сизга?

— Ма-ан, биринчи этаждаги ҳамсоя — Ботирман.

Ая ҳадиқни йўқотиб, эшикни очди.

— Кел, болам, тинчликми?

Кутылмаган “меҳмон” ичкарига киргач, қаққонлик билан эшикни бекитади. Кампирнинг юзига тўсатдан мушт туширади. Теслиме ая юз тубан йиқилади. Йигит уни кетма-кет яна уради. Хонага кириб жиҳозларини титқилай бошлайди. Кароват остидаги жомадондан ая жағғариб қўйган 600 минг сўмга яқин пулларни топади.

Жабрайлда оғриқ азобига дош беролмай, бебурд қўшининг тажовуздан қутулиш учун одамлардан ёрдан сўраб бақариди. Ботир кампирни тинчитиш мақсадига қайчи билан унга ташланиб, унинг тўғри келган жойига санчади. Инсонийлик чегарасидан чиққан Ботир энди пичоқ билан ҳамла қилди. Ваҳдидликни қарангки, шундоқ ҳам жон талашиб ётган кампирнинг бурнини қайчи билан қирқиб ташлайди. Теслиме ая тинчиб қолади.

Ботир ваннахонага кириб қонга беланган қўлларини челақдаги сувда ювади. Хонадан чиқиб кетаётган эшикнинг ичкари томонидида қалит-

Ҳаммаси қутилмаганда юз берди. Ешгина милиционер йигит дабдурустдан тўпонча чиқарди-да, рўпарасидаги қизга ўқталиб, тепкини босди. Кетма-кет ўқ овозлари янгради. Қизнинг йиқилганини кўрган дугонаси дод солганча, қоча бошлади...

Бундай воқеаларни асосан жангари фильмларда томоша қилиб, ўрганиб кетганимиз боис, унчалик аҳамият бермаймиз. Тўғрими? Бироқ шу кеча-кундузда, кундалик турмушимизда шундай ҳолат юз берса-чи?

Ҳа, минг афсуски, шу йил апрель ойининг охирида Оқўрғон туманидаги қишлоқлардан бирида айнан шундай ҳолат юз берди. Уша машум кундан бир кун аввал, кечки пайт Сожида (исм-шарифлар ўзгартirilган)нинг уйига кўнгирок бўлди.

— Сожи, яхшимсан ўртоқ? Узр, кеч бўлганда безовта қилаяпман.

Галинанинг овозидаги ҳаяжонни пайқабган Сожиданинг кўнглига хавотир тушди.

— Ҳечқиси йўқ. Тинчликми узми? Овозинг бошқачароқ, Нима гап?

Гушакнинг у томондан ҳамкасбининг йиғламсираган овози эшитилди:

— Биласанми? Икки соатча олдин Рафик келуви...

— Вой, яшшамагур-ей! Яна нима дейди?

— Нимаям дерди?! Уша эски гап...

— Галия, гапирсанг-чи? Кейин нима бўлди?

— “Мен билан нимага гаплашмаяпсан, “Давай, отношенини вынесят қиламиз, дейди”. Эй, худойим-эй, қаёқданам у билан танишган эканман-а?! Сожи, кўрқиб кетаяпман, ўртоқжон!

— Жавобини бер-да, қутил! Нима қиласан, бошингни қотириб.

— Шунча дейсан-у... Боя келганда нима дейди дегин? Тўпончасини кўрсатиб, “отиб ташлайман” деса бўладими? Эсим қотиб кетди.

— Йўғ-эй?! Жинни бўлганми нима бало?!

— Билмадим... Сожи, эртага меникига келоласанми? Ишга бирга кетардик. Бир ўзим кўрқиб кетаяпман.

— Майли, эрталаб ўтаман...

Эртасига эрталаб соат 8 ларда Сожида кириб келди. Ярим соатлардан кейин икки

дугона ишга отланишди. Уйдан узоқлашиб улгурмасларидан рўпарала Рафик пайдо бўлди. У шу куни ишхонасига борган, у ердан тўпончани икки ўқдон билан қабул қилиб, хизмат жойига бормай, тўғри бу ерга келган эди.

— Ҳа, қачонгача мендан яшириниб юрасан?

Галина унга парво қилмай, дугонасини қўлтиқлаганча, индамай йигитнинг ёнидан ўтиб кетди. Йигит жаҳли чиққанини сездирмай, уларнинг орқасидан икки уч қадам қўйди-да:

— Тўхта! — дерди овози титраб, — тўхта, гаплашиб олишимиз керак.

Қиз жавоб бермай, юришда давом этди. Унинг бу ҳаракати шундоқ ҳам асаблари таранглашиб турган Рафикнинг қонини қайнатиб юборди. Нима қилаётганини идрок эта олмай, титраётган қўллари билан тўпончасини олди.

— Тўхта отаман!

Фойдаси бўлмади. У ёғи шу даражада тез рўй бердики, Рафик қандай қилиб тўпончани қизга ўқталди-ю, қандай қилиб тепкини босди, ўзи ҳам билмай қолди. Кетма-кет варанглаган товушлар эшитилиб, Галина шу заҳоти ерга йиқилди. Буни кўриб, эсхонаси чиқиб кетган Сожида турган жойида қотиб қолди. Рафик энди ўзини бошқара олмасди. У шовилмай, бир-бир босиб, ерда қонига беланиб ётган қизнинг тепасига келди-да, яна бир неча бор ўқ узди.

Сўнгра тўпончани Сожидага тўғрилади. Қизнинг бахти бор экан, “ширқ-ширқ” деган овоз эшитилди-ю, ўқдон бўшаб қолгани боис, отилмади. Буни кўрган Сожида эс-хушини йиғиб, бақирганча қочишга тушди. Рафик шоша-пиша иккинчи ўқдонни ўрнатди. Бу пайтда Сожида ундан узоқлашиб, кўздан йўқолган эди.

Йигитнинг қон қочган лаблари бир нималар дея пичирлар экан, беихтиёр тўпончани чеккасига тиради. Тепки босилди...

Рафик ҳам, Галия ҳам бутун орамида йўқ. Шунинг учун бўлиб ўтган воқеани Сожиданинг кўрсатмалари асосида тахминан жонлантиришга уриниб кўрдик. Балки ҳаммаси бошқача бўлганда? Гап бунда эмас. Оламини ўйлантирадиган ҳолат шундаки, ўша куни ишхонасига бориб, хизмат қуролини олган Рафик нима учун белгиланган хизмат жойига бормай, Галинанинг уйига

келди? Бу нима, хизмат вазифасига мастулият-сизиликми? Ёки лоқайдликми? Ҳўп, у Галияни ёқтирган-у, кейин уларнинг орасидан гап қочган ҳам дейлик! Ундай бўлса, Рафик қизнинг олдида ишдан бўшаган пайтда келса бўларди-ку?!

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномасида “милиция ходими факулда ҳолатда юзага келган вазиятга тўғри баҳо бериши, хавфлилик даражасига қараб, эҳтиёткорлик чораларини кўриши, ҳуқуқбузарларнинг ноқонуний ҳаракатларига кескин чоралар кўриши лозим. Жанжал ҳолатларини текшириганда, ҳар томонлама босиқлик, ақлдорлик билан иш юритилади. Юзага келган муаммоларни ҳолисона ва тежорлик билан ҳал этилади...” деб кўрсатилган. Буларнинг ҳаммасидан яхши хабардор бўлган Рафикчи, у нима қилди? Юқоридаги воқеада юзага келган вазиятга қандай баҳо берди? Афсуски, у юзага келган “муаммони ўзича ҳолисона ва тежорлик билан ҳал этди”. Мазкур одобномада милиция ходимларининг охири чора сифатидагина қурол ишлатиш ҳуқуқлари борлиги ҳам кўрсатилган: “Фуқароларни ҳаётига ва соғлиғига хавф соладиган ҳужумдан ҳимоя қилиш... Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши



## ТЕПКИ ҚАЧОН БОСИЛАДИ?

қураш соҳасидаги хизмат вазифасини ёки жамоат бурчини бажараётган милиция ходимларига, бошқа шахсларга нисбатан гуруҳ бўлиб ёки қуролли ҳужумни, шунингдек, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини хавф остида қолдирадиган тарздаги бошқа ҳужумни қайтариш учун...

Шундай савол туғилди: қурол тепкиси қачон босилди? Бунга ҳеч қачон шовилмаслик керак! Бироқ, тирик жон ҳис-ҳаяжонга берилиши, ҳар қил асабий ҳолат-ҳарга тушиши табиий. Аммо, барибир бир нарсани унутмаслик керак: ўқ отар қурол хислатлар билан ҳисоблашиб ўтирмайди.

**Олимжон НАБИЕВ,**  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

ни олиб қўлфлайди. Бухоро шаҳридаги Алпомиш кўчасида содир этилган бу қотиллик жиноятдан Ботир ҳеч қандай қўрқув ҳиссини туймасди.

\*\*\*

Ботир маст, уст-боши қон, ўзи бир алфозда уйига қайтди. Уни бу ҳолда кўрган онаси индамайди. Ботир ювиниб, кийимларини алмаштириб олгач, онасининг “хай-хай” ла-

ган эмасман. Ўзи ҳам гапирмаган. У кушоналарда мардикорлик қилиши ва одамларга кучук сўйиб бериб юрганлиги учун кўпчича уйга кийимлари қонга беланган ҳолда келарди. Шу сабабли ўша тундаги аҳволи мени ажаблантирмади. Кийимларини ахлатхонага ташлашимга сабаб ҳаддан зиёд қонга беланган, хиди уйга ўтириб қолганми.

Бухоро шаҳар “Фoшун” МФИ котибаси Альфия Норбе-

жасади қонга беланган ҳолда ётарди. Профилактика инспектори эшикни ёпиб, тежор гуруҳ келгунга қадар ҳеч ким ичкарига кирмаслигини айтди.

Мамбетова маҳаллага ариза ваниқот билан ҳеч ҳам мурожаат қилмаган. Унинг биров билан жанжаллашганини, келишмовчилиги борлигини эшитмаганман.

Т.Мамбетовани ўлдирган Ботир Алиевнинг эса тарбисидан

сўқирлигига олиб келмадимикан?! Гоҳ отаси, гоҳ онаси билан яшаб, носоғлом муҳит сабаб Ботир юрга боласига айланди.

Ботирнинг яна бир кўрсатмасига аҳамият беринг-а: “Отам Ботир Алиев билан бир ойлар олдин ўтириб ароқ ичдик. Гапимиз қовушмай отам мени ҳақорат қилди, шунда мен ҳам уни аяб ўтирмадим. Отам юзимга бир мушт урди, мен ҳам мушт туширдим. Унинг жаҳли

нини кўриб “тез ёрдам” чақириб, Бухоро шаҳар касалхонасига олиб борди. У ерда жараҳатимни тикшириб, шу кунни менга жавоб беришди. Ушбу ҳолат юзасидан Бухоро шаҳар ИИБ ходимлари суриштириб келганда “Йиқилганимда қорнимни ерда ётган сим кесиб юборди”, дедим. Отамга нисбатан даъво қилмаганим.”

Сув қайси идишда бўлса, ўша рангда товланади, деган-

# АЛПОМИШ КЎЧАСИДАГИ ҚОТИЛЛИК

шига қарамай, яна кўчага чиқиб, онаси ишлайдиган “Эльдorado” ресторанига, сўнг “Бухоро палас” меҳмонхонаси “Дискобар”и, у ердан чиқиб эса 5-митти туман томон борарди. Иул ёқасида турган хотаниш қиз билан танишиб, бирга саунага боришди...

Тонг маҳалда уйига қайтган Ботир куй ёйилганда бозорга боради. 210 минг сўмга уяли алоқа телефони сотиб олади.

Кечки пайт аммасиникига меҳмонга борган Ботир ичиб олиб онасига кеча тундаги қилмишини айтиб беради. Она ҳам маст бўлгани учун унинг бу гапларига аҳамият бермайди. Бу меҳмондорчилик узоққа чўзилмайди. Ботирдан гумонсизраган ИИБ ходимлари она-болани бўлимга олиб келишади.

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Ботирнинг онаси Мавлуда Ғуломова кўрсатмасидан: “Мен турмуш ўртоғим Бобур Алиев билан 1991 йилда ажрашганман. Икки қизим ва ўғлим бор. Уша кечаси ўғлим кийимлари қонга беланган, маст ҳолда уйга келганига ундан нима бўлгани ҳақида сўра-

кова кўрсатмасидан: “Теслиме Мамбетовани 1994 йилдан буён танийман. Бухоро шаҳрида яқин қариндоши бўлмаганлиги, қариб қолганлиги сабабли тез-тез унинг уйига бориб, юмушларига ёрдамлашаардим. 18 май куни соат 15ларда Мамбетовадан уйига бориб хабар олгандим. Эртаси куни тушлик чоғида яна келсам, хона эшигининг қулфи бузилган ва сиртидаги гилофи йиртилган. Рубару қўшнисига урашдим. Ундан қўшнисе Теслиме аянинг уйи нега бу аҳволда эканлигини сўрасам, у ҳеч нарса билмаслигини айтди. Паётки қаватдаги қўшнисе эса 23:30ларда унинг уйдан шовқан товушини эшитганини айтди. Сўнг профилактика инспекторига билдирдик”.

Зебо Зоҳидова “Фoшун” МФИ раиси: “Альфия ва маҳалла поёбони билан биргаликда Мамбетованинг уйига бордик. Ҳолатни кўзимиз билан кўргач, худуд профилактика инспекторига билдирдик. У келгач, эшикдаги ҳолат шубҳали, ичқарида жавоб бўлмагани учун эшикни синдириб кирдик. Даҳлизда Теслиме Мамбетованинг

ташвишда эдик. У ҳеч қаерда ишламайди. Қўшнилари билан келишмайди, тарбисе оғир, панил-насиҳатларга қулоқ соймайди, кўчала жанжал чиқариб юради. 27-сон махуе мақтаб-интернатда ўқиган, кўп вақтини отасиникида ўтказарди. Бу ҳақда устача нозир хабардор.

Ботирнинг онаси ичкаликка ружу қўйган, худқ-автори боууқ, руйхатда турарди. Қўни-қўшнилари билан жанжаллашиб юради. Оиласи 2003 йилдан буён нотинч оилалар руйхатига олинган”.

Ботир нега жиноятчига айланганини аңгалагандирсиз... Ҳамма гап унинг оиладаги тарбиясига бориб тақалаяптими?! Аввало у ақлини ола бошлаганидаёқ ота-онанинг ажрасуви, оиланинг парокандалиги чиқиб дастурхондаги ошхона бола кўнглининг кемтиклиги, пичоғини олиб, қорнимнинг бора-бора дунёқарашининг чап қисмига урди. Қон чиққа-



лари шумикан?..

Бу иш юзасидан тўпланган ҳужжатларнинг Ботир Алиева нисбатан тўпланган қисми вояга етмаганлар комиссиясига, отаси Ботир Алиева нисбатан қисми эса Бухоро шаҳар судига юборилган.

Шу уринда яна бир мулоҳаза Теслиме Мамбетованинг қўшнилари тундаги шовқинни эшитишса-да, бу ҳолатга нега лоқайд қарашди? Қариядан нега хабардор бўлишмади? Ахир, улар Т.Мамбетованинг ёлғиз яшашини билишарди-ку!

Ҳукм ўқилди. Ботир Алиев Ўзбекистон Республикаси Жиноят қоллексининг тегишли моддаларига асосан 14 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Муҳиддин ВОХИДОВ,**  
Бухоро вилоят прокурорининг қатта ёрдамчиси  
**Лолахон МАНСУРОВА,**  
журналист



ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар томонлама, ҳолисона аниқлаш чораларини кўрмасдан Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 15 ва 57-моддалари талабларини тўлиқ бажармаганлиги асос бўлди. Жумладан, С.Ашрапова ўзини 2002 йили

маган болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Лекин суд томонидан мазкур қонун талаблари бузилиб, иш бўйича унинг отаси Ш.Султонов ва онаси С.Ашрапова ўртасида низоли уй-жойларни сотишда бир-бирига қарама-қарши фикрлари бўлган ёки бўлмаганлик ҳолатлари аниқланмаган.

Шунингдек, суд томонидан Шоқосим Султонов воёга етмаган Мاستурага уйни ҳада қилишда ҳадаини манфаатдор шахс сифатида қабул қилган, олдин сотди шартномасини расмийлаштиришда эса унинг розилиги

бузилишига йўл қўйган.

Судда Ш.Султоновнинг вакили Т.Майдиёва суд жарёнида воёга етмаган Мастуранинг отаси Ш.Султонов эканлигини маълум қилиб, низоли уй-жойларнинг олди-сотди шартномаларини тузишда унинг розилиги олинмаганлиги туфайли бу шартномаларни бекор қилишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 29-моддасида ўн тўрт ёшга тўлмаган воёга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битимларни ота-онаси, фарзандликка олувчи ёки васийлар тузиши мумкинлиги кўрсатилган бўлса-да, лекин воёга етмаган Мастуранинг отаси Ш.Султоновнинг низоли уйларининг сотилишида розилиги олинмаганлиги тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Бундан ташқари, Ш.Султонов Мастура туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида унинг отаси эканлигини тасдиқловчи ёзувга эътироз билдирмаган, ammo иш ҳолати юзасидан суднинг хусусий ажрида Оила кодексининг 233-модда талаблари зид равишда Мастурага берилган туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни бекор қилиш масаласи кўрсатилган.

Бундай вазиятда суд томонидан ФКнинг 207-моддаси талаблари бузилиб, фуқаролик ҳолати бўйича воёга етмаган Мастуранинг «фамилия»сини текшириш ҳақида ариза бўлмас-да, даъво талабидан четта чиққан.

Шунингдек, мазкур фуқаролик ишида Адҳам Рустамов хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Х.Амонов номига ариза билан мурожаат қилиб, «ушбу уйни сотиб олялман ва бу уйда Маҳбуба Сатторова рўйхатда туриши ва яшашига умуман қаршилгим йўқ, шу сабабли уни нотариал идорага олиб келиб, ундан уй сотилиши учун розилик олишнинг кераги йўқ ва эътирозим йўқ» деб ўз имзоси билан тасдиқлаган.

Бу ҳолат эса, суд томонидан умуман муҳокама қилинмаган мазкур низоли уй борасида тузилган олди-сотди шартномасида низоли уйда ФКнинг 488-моддасига асосан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладиган шахслар йўқ деб нотўғри кўрсатилган. Ваҳоланки, А.Рустамов ўз розилиги билан Маҳбуба Сатторовани ФКнинг 488-моддасига асосан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолган, яшаш ҳуқуқига эътирози бўлмаганлигини кўрсатса-да, суд ушбу ҳолатга эътибор қаратмасдан ўтган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 312-моддаси 1-қисми 1, 2, 3, 4-бандларида иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, суднинг бу каби ҳал қилув қарорига баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги, моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўрилганлиги суд қарорини бекор қилишга асос бўлиши кўрсатилган.

Шу боис ҳам Бош прокуратуранинг Республика Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида киритган протести қаноатлантириб, иш юзасидан қабул қилинган қарор ва ажримларнинг бекор қилинишига ҳамда ишни янгидан кўришга асос бўлди.

**М.АШУРОВА,**  
Бош прокуратуранинг бўлим прокурори

## МАСЛАҲАТХОНА



## ТЎЛИҚ ЁКИ ЯРМИ?

2-гуруҳ ногиронлари ҳафта-сига 36 соатдан кўп бўлмаган иш билан, махсус шароитда ишлаб, нафақа пулини ҳам тўлиқ олиши мумкинми?

**Г.Эрматова,**  
Бувайда тумани

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йилнинг 20 декабрида рўйхатга олинган «Ишловчи пенсияонерларга пенсия тўлаш тўғрисида»ги Низомнинг 2-банди талабига мувофиқ, I ва II гуруҳ ногиронлари ҳисобланган ишловчи пенсияонерлар пенсияни тўлиқ миқдорда олади.

Қолган тоифадаги ишловчи пенсияонерларга эса, пенсия эллиқ фоиз миқдорда тўланади.

## РАД ЭТИШ МУМКИНМИ?

Пенсиянерни ишга қабул қилиши рад этиш мумкинми? Қонунчиликда пенсиянерларнинг меҳнат қилиши борасида бирон бир чеклов борми?


**Ж.Раҳимова,**  
Бектемир тумани

Меҳнат кодексининг 57-моддасига мувофиқ, унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасаруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан таққидланмаган ҳар қандай фаолият билан шугулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир.

Ҳар ким иш бевричига бево-сита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир. Бинобарин, шахсини пенсияга чиқариши уни меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди ва унинг ишга киришини рад этишга асос бўлмайди.

Фақатгина айрим тоифадаги касбларда бу борада чекловлар мавжуд. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг авиация Қоидалари»да учувчилар таркибига 65 ёшга тўлган мутахассислар Ўзбекистоннинг фуқаро ва экспериментал авиация учтишларида қўйилмаслиги белги-ланган. Лекин пенсиянернинг соғлиги, ишчанлик қобилиятлари қўзланаётган иш талабига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда бундай шахсни ишга қабул қилишнинг рад этиши асосли бўлади.

Саволларга ҳуқуқшунос  
**Д.ХАЛИЛОВ** жавоб берди



# БУГУНГИ ДҲСТ ЭРТАГА КИМ?

Инсоният ҳаёти давом этиб борар экан, одам бугун бўлмаса эртага албатта бирор-бир муаммога дуч келиб туради. Балким бу ҳаёт қонуниятидир. Агар инсоннинг ҳар бир ният қилган иши, қўзлаган мақсади ҳеч бир муаммосиз кечаверадиган бўлса, нималарни хоҳламайди дейсиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир адолатпарвар жамиятда шу жамият аъзоларининг ҳаётини изга солиб туриш учун қонун ва қонун ости ҳужжатлари амал қилган.

Салима Ашрапова (исм, фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) ҳаётда бир мақсадни олдиндан қўзлаб иш қиладиган аёллардан. Шу сабабли ҳам у таниши Жўрабек Рустамовдан қарз олаётганида пулни режа асосида ишлатишни ва уни ўз вақтида қайтаришни қўзлаган бўлса-да, вақти келиб бу борада Жўрабек билан жанжаллашиб, судма-суд юришларини ҳаёлига келтирмаган бўлса керак. Бироқ...

Халқимизда «ҳисобли дўст айрилмас» деган мақолнинг айтилиши бежиз эмас. С.Ашрапова қарзининг бир қисми қолганида Ж.Рустамов билан уни қайтариш масаласида ўзаро келишиб, қизи Мастуранинг номидаги уйлари Ж.Рустамовга нотариал тартибда олди-сотди шартномаси асосида ўтказиб беради. Лекин Ж.Рустамовнинг уқаси А.Рустамов судга мурожаат қилиб, мазкур уйдан С.Ашрапова ва унинг қизини чиқаришни сўрайди.

С.Ашрапова эса қарз ва ушбу уй тўғрисида келишувни Ж.Рустамов билан қилганини, бунинг устига низоли 25, 27-уйлар воёга етмаган қизи Мастурага ҳада шартномаси орқали тегишли эканлигини, аслида А.Рустамовни танимаслигини ва низоли уйларининг олди-сотди шартномалари кўбуямачилик учун тузилганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб топганини сўраб, қарши даъво киритади. Ammo унинг қарши даъвоси суд томонидан рад қилинади.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилади. Бироқ бу қарор низога ажуний тўхтаб қўя олмайди. Чунки бир тараф олди-сотди шартномасини ҳақиқий деса, иккинчи тараф эса уни ҳақиқий эмас дея даъво қилишдан қолшиммаган.

Иш ҳолатлари Республика Бош прокуратураси томонидан атрофидаги ўрганиб чиқилганда, суд қарорини бекор қилишга асос бор деган хулосага келинди. Бундай дейишга эса суд ишнинг

қизи Мастурага ҳада қилган ва ушбу шартноманинг 6-бандига кўра, ҳада берувчи деб унинг онаси ва ҳада олувчи деб Мастура-нинг вакили сифатида Л.Мўйдинов имзо қўйганлар. С.Ашрапова (Мастуранинг онаси) ушбу уй-жойни олди-сотди шартномаси асосида 2006 йили Ж.Рустамовга расмийлаштираётганда уни нотариал тартибда амалга оширган. Бунга кўра, сотувчи С.Ашрапова деб ёзилган, лекин имзо қўйилмаган, сотиб олувчи сифатида Ж.Рустамов имзо қўйган.

Бундан ташқари, С.Ашрапованинг қариндоши бўлган Маҳбуба Сатторова ҳам ўз уйини Мастурага 2002 йили ҳада қилди ва шартномага кўра, ҳада олувчи деб Мастуранинг онаси С.Ашрапова имзо қўйган. Орадан тўрт йил ўтиб, яъни 2006 йили яна олди-сотди шартномаси асосида мазкур уй А.Рустамовнинг номига расмийлаштирилатганда Мастуранинг қонуний вакили сифатида унинг онаси С.Ашрапова, сотиб олувчи сифатида эса А.Рустамов шартномага имзо қўяди.

Шартноманинг 7-бандида низоли уйда Фуқаролик кодексининг 488-моддасига асосан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладиган шахслар йўқ деб кўрсатилган. Гарчи низоли уй-жойларга воёга етмаган Мастуранинг номига 2002 йили бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги гувоҳнома берилган бўлиб, уйларининг ҳар иккиси ҳам унга ҳада шартномаси асосида тегишли бўлса-да, ҳада шартномалари бекор қилинмасдан олди-сотди шартномалари расмийлаштирилган.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига кўра, ҳар бир бола турар жойи бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 74-моддасида, ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаш шартлиги кўрсатилган. Шу билан бирга, ушбу кодекснинг 93-моддасида воёга етмаган болаларнинг қонунда белгиланган тартибда ҳада, мерос тарихасида олган мол-мулки уларнинг хусусий мулки ҳисоблангани, 95-моддасида ота-она ва воёга етмаган болалар ўртасида келиб чиқадиган мулкрий низолар суд томонидан умумий асосларда ҳал қилиниши ҳамда бундай ҳолларда воёга ет-

олинмаган, шунингдек судга туман ҳокимлиги қошидаги ҳомийлик ва васийлик комиссияси вакили ишга жалб қилинмаган.

Натижада воёга етмаган Мастура-нинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиб, уй-жойсиз қолишига сабаб бўлган.

Бу билан суд ФПКнинг 314-моддаси талабларининг бузилишига йўл қўйган. Чунки мазкур моддада, суд ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган бўлса, процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўлланганлиги ишнинг нотўғри ҳал этилишига сабаб бўлган ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган тақдирдагина ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг бекор қилинишига асос бўлади деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Оила кодексининг 68-моддасида, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамасида ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақли-дир деб кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Уй-жой низолири бўйича суд амалиёти ҳақида»ги Пленуми қарорининг 5-бандида «Мулкдор, унинг оила аъзолари, ижарачи ва унинг оила аъзолари ўртасида уй-жой масаласида келиб чиққан низолар (уйга киритиш, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уйдан кўчириб чиқариш) суд тартибидан ҳал қилинади ва мазкур тоифадаги ишларни кўришда низоли уйда яшовчи воёга етмаган барча шахслар тегишлича ишга жалб қилиниш лозим» деб белгиланган. Лекин суд томонидан юқорида кўрсатилган қонун талаблари бузилиб, воёга етмаган мулкдор Мастура-нинг суд даврида 16 ёшга тўлган бўлишига қарамастан, у суд муҳокамасига жалб қилинмаган ва бу билан унинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилган.

Қолаверса, суд Мастура-нинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида унинг отаси Ш.Султонов нотўғри ёзилганлиги хусусида фикр юритиб, ўзининг хусусий ажрими билан унинг отаси деб кўрсатилган ёзувини бекор қилиш тўғрисидаги қўхтама келган. Суд ушбу хулосаси билан Оила кодексининг 63-моддасидаги туғилишни ёзиш дафтаридаги туғилишга оид ёзув боланинг унда кўрсатилган ота-онанинг туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади деган норманинг

**Кўпчилигимиз банк ёки шунга ўхшаш қайноқ нуқталардан турли усуллар билан миллиардлаб пулларни ўмариб, жиноят оламида ном чиқарган шахслар ҳақидаги фильмларни кўп кўрганмиз. Лекин ундаги воқеаларга кўп ҳам ишонмай ҳайратга тушганмиз. Бугун эса ҳайратга ўрин қолма-япти. Чунки бундай воқеаларга реал ҳаётда ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз.**

азъолари «Бахмал» қўшма корхонаси негизда 2005-2008 йилларда ишлаб чиқарилган бахмал маҳсулотларини жами 10 млрд. 567 млн. 191 минг 700 сўмга сотиб юборилганлиги тўғрисида сохта ҳужжатларни расмийлаштиришди.

Бундан ташқари, бахмал маҳсулотлари фуқаролар номига очилган ва жиний режаларини амалга оширишга йўналтирилган МЧЖ ҳамда фирмалар орқали тўғри турли нархларда сотилганлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар тайёрлашди. Аслида эса бу маҳсулотлар уюшган гуруҳ азъолари томо-

ларнинг ҳисобот даврлари учун жами давлат томонидан белгиланган 1 млрд. 432 млн. 970 минг 300 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қасддан тўлашмаган.

Вақт ўтиб, жиний гуруҳнинг давлат томонидан белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келинганлиги ошкор бўлиб қолди. Мазкур вазиятга қонуний баҳо бериш мақсадида Самарқанд вилоят Давлат солиқ инспекциясининг бош тафтишчиси А.Раҳматов иш олиб боради. А.Раҳматов бошчилигида солиқ хизмати ходимлари «Бахмал» қўшма корхонасининг 2005 йиллардаги молиявий ҳужжалик фаолиятини тафтиш қилади. Ўтказилган текширишда корхона томонидан давлатга тўланиши лозим бўлган 303 млн. 216 минг 900 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар яширилганлиги аниқланади. Аммо уларнинг ноқонуний фаолиятини очиб ташлашга сафарбар этилган А.Раҳматов ўз нафсининг қурбонига айланади, жиноятчиларнинг товоғидан

бўлиб, шунча миқдордаги бож ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган.

Жиний гуруҳ бу ишни доимий давом эттириб келди. Режага асосан «Бахмал» қўшма корхонаси томонидан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш учун Асақабанкнинг Самарқанд вилоят филиалида асосий рақамли, шу банкнинг ўзида яна иккита ёрдамчи рақамли валюта ҳисоб рақамлари очилди. Аммо умумий қиймати 1 млн. 177 минг 400 АҚШ долларлик сохта импорт шартномаларини тузиб, ҳақиқатда ҳар бир килограмми 6,15 АҚШ долларидан бўлган, жами 1 млн. 682 минг 25 АҚШ долларлик «ацетат» толаси учун фақатгина 444 минг 525 АҚШ долларини тегишли тартибда конвертация қилиб, хорижий корхоналар ҳисоб рақамига ўтказиб беришди. Қолган 1 млн. 237 минг 500 АҚШ доллари хорижий корхоналар ҳисоб рақамига ўтказиб берилмай, ўзлаштириб юборилди. Сўнг хорижий корхоналар номидан хат тайёрлашиб, унга кўра қолган суммани «Al Ashrafiy Shohina» МЧЖ, «Jayzer eksprod» хусусий фирмаси ва хусусий тадбиркорларга маҳсулот бериш орқали ёпишди. Ҳақиқатда эса бу маҳсулотлар нақд пулга сотилиб, сотувдан тушган пуллари уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб ўзлаштирилди. Бунинг оқибатида Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банклари ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган 1 млн. 237 минг 500 АҚШ доллари жиноятчилар чўнтагига тушади. Нафс бандларига сотувдан тушган пуллари «қора бозорда» ноқонуний равишда чет эл валютасига алмаштириб, олдатадигай «Афгон почтаси» усули орқали Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳридан нақд 20 млн. 700 АҚШ долларига ҳақиқий баҳоси 96 млн. 22 минг 800 сўм бўлган «Тойота Лексус ЕС 350» русумли автомашинани сотиб олишди. Қорозда эса автомашини «Атекс» фирмасининг «Бахмал» қўшма корхонасидаги Низом улушини кўпайтириш мақсадида олиб келинганлигини кўрсатишиб, чўнтакка уриб қолинган маблағларни дабдалаи ҳаёт кегиришга сарфлашди.

Боилк ортиб борган сари жиний гуруҳ янада кўпроқ даромад кўриш йўллариини ўйлаб топашди. М.Султонов «Самарқанд-Динамо» профессионал футбол клубининг вице-президенти ҳисобланган. У шу ваколатлардан ҳам фойдаланиб, мазкур футбол клубининг жуذا кўп миқдордаги мол-мулкнинг ўзлаштиришга киришди. Бунинг учун «Самарқанд-Динамо» профессионал футбол клуби ва «Бахмал» қўшма корхонаси ўртасида 100 млн. сўмлик маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилади. Мазкур шартнома футбол клуби бошлиғи В.А.Рақелов ва «Бахмал» қўшма корхонаси раҳбари Д.Ахроровлар имзолашди. Ана энди турли найрангбозликлар бошланади. Юқоридаги шартномага асосан футбол клубидан қўшма корхона ҳисоб рақамига «бахмал матоси» учун 98 млн. сўм ўтказилади. Орадан бир оз вақт ўтиб, ушбу маблағлардан 70 млн. сўми маҳсулот йўқиди рўқча қилиниб футбол клубига қайтарилади. Қолган 28 млн. сўмга эса футбол клубига шунча миқдорда бахмал матоси берилганлиги тўғрисида қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб қўйишди.

Ҳар бир ишнинг муқаддимаси бўлганидек, интиҳоси ҳам бўлади. Вақт келиб жиний гуруҳнинг қинғир ишлари фож этиди. Уларга нисбатан суд ўзининг одилона ҳукмини ўқиди. Қонуний жазо уларни ўз қилмишларидан тўғри хулоса чиқаришга ундаган бўлса ажаб эмас.

Улуғбек СУННАТОВ,  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи



Маълумки, юртимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уни янада ривожлантириш мақсадида қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Бу эса тадбиркорларга қатта қулайлик ва имкониятлар яратмоқда. Шулар қаторида юртимизда фаолият юритаётган ва энди ташкил этилаётган қўшма корхоналарга ҳам бир қанча имтиёзлар берилган. Қаҳрамонларимиздан Мардон Султонов ҳам ана шу имкониятлардан ўзининг гаразли ниятларини амалга оширишда фойдаланиш мақсадида Самарқанд вилоят ҳокимлигидаги мансабдор шахслар билан жиний тил бириктирди.

Мазкур жиний режага биноан Мардон Султонов ноқонуний қўшма корхона ташкил қилиш орқали мўмай даромадга умид қилиб, ишга киришди. Албатта, жиний йўл билан. Режа асосида 2001 йил июль ойида «Бахмал» Ўзбекистон-Қозғистон қўшма корхонасининг таъсис ҳужжатлари йиғилди. Корхонанинг таъсис шартномасига кўра, унинг устав фонди 500 минг АҚШ доллари қилиб белгиланган. Ушбу маблағдан 255 минг АҚШ доллари ёки 51 фоизи Қозғистон Республикасининг «Атекс» маъсулияти чекланган жамияти, 245 минг АҚШ доллари ёки 49 фоизи Самарқанд шаҳридаги «Мусаффо» очiq акциядорлик жамияти ҳиссасига тўғри келиши кўрсатилади. Аммо, нима учундир ушбу қўшма корхонани таъсис этишда Қозғистон Республикасининг бирор бир субъекти иштирок этмайдди. Аксинча, М.Султонов ўзига тегишли бўлган АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган «Accompaniment INC» оффшор компаниясининг Рига шаҳридаги «Парекс банк»даги ҳисоб рақамидан тўғри «Атекс» фирмасининг «Бахмал» қўшма корхонаси Низом жамгармасидаги улушини шакллантириш мақсадида 50 минг АҚШ долларини ўтказдиари. Сўнг ноқонуний қўшма корхонани Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказишга муваффақ бўлади. Улар келгусида содир этилиши режалаштирилган жиноятларини оsonлаштириш мақсадида қўшма корхонага четдан импорт қилинган ҳар қандай товарларнинг божхона расмийлаштириувидан ўтказилишида муайян имтиёзлар қўлланилишига эришадилар. Шу тариқа сохта қўшма корхона фаолияти йўлга қўйилади.

Режалаштирилганидек, «Бахмал» қўшма корхонасининг ҳақиқий эгаси ҳисобланган Мардон Султонов вилоятдаги мансабдор шахслар билан келишган ҳолда ўзларига содиқ ҳамтовоқларини турли лавозимларга тайин-

## НАФС ГИРДОБИ

ёҳуд «Бахмал» ҚҚ мансабдорларининг қинғирликлари

лайди. Қўшма корхона бош директорлига Даврон Ахроров, корхона директорининг ўринбосари лавозимига Рустам Бахритдинов, бош ҳисобчиси вазифасига Галина Нурмухамедова тайинланади. Ушбу жиний гуруҳ 2001-2005 йиллар давомида кўплаб жиноятларга қўл урган.

Бунга жиноят ишидан мисоллар келтириш мумкин. Жиний гуруҳ азъолари ўзгаларнинг ишончини суниестемол қилиб, ноқонуний равишда уларнинг маблағларини ўзлаштириш мақсадида муайян пул маблағларини банк муассасаларига топширмай, ўзлари бошқариб келаётган хусусий фирма ва МЧЖлар ҳисоб рақамига «хом ашё ҳамда ёрдамчи материаллар сотиб олиш учун» деб ўтказиб беришган. Шундан сўнг сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга йўналтирилган мазкур ҳўжалик юритувчи субъектлар орқали ноқонуний пул айланмалари амалга оширилган. Улар манфаатдор бўлиш учун ўтказиб берилган пул маблағларини «филътр фирма» сифатида ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб рақамига ўтказиш орқали нақдлаштириб олиб, ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-тороқ қилганлар. Нопок йўл билан топишган пулларнинг сарфланишини жиний гуруҳ раҳбари Мардон Султонов ўз назоратига олган.

Жиний гуруҳда фаолият кўрсатган В.Ким ва О.Джумаевларнинг зимиасига энг муҳим вазифалар юклатилади. Улар жиний гуруҳ раҳбарлигига тегишли чет элдаги оффшор фирмаларнинг сохта ҳужжатлари асосида импорт қилинган хом ашёларни божхонада сунъий пасайтирилган нархларда расмийлаштиришда устаси фаранг бўлиб кетишган эди. Удабуронлар шу йўл орқали топишган маблағларни «қора бозор»да ноқонуний равишда чет эл валютасига алмаштириб, хуфёна ташкил этилган ва «Афгон почтаси» номи билан танилган ноқонуний пул-валюта ўтказмаларини систематик тарзда ўтказиб берилишини таъминлаб келишган.

Жиний гуруҳ бу билан чекланмай фаолиятини янада кенгайтиришни кўзлайди. Шу мақсадда М.Султонов томонидан 2004 йилда Самарқанд шаҳар ҳокимлигида рўйхатдан ўтган «Сам Фатто текс» концерни ташкил қилинади. Фирмабгар М.Султонов бошчилигидаги уюшган жиний гуруҳ

нидан «Бахмал» қўшма корхонасининг Самарқанд шаҳрида жойлашган оморхонасига олиб келиб, шу жойининг ўзидеяқ бахмал материаллари турли вилоятларда яшовчи шахсларга 17 млрд. 918 млн. 293 минг 800 сўм пулга ул-гуржи тартибда сотиб юборилган.

Шунингдек, мато ишлаб чиқариш учун зарур бўлган жами 6 млрд. 341 млн. 674 минг сўмлик хом ашё ва материаллар жиний гуруҳ манфаатларига хизмат қилувчи фуқароларнинг номига очилган хусусий корхоналар ҳамда МЧЖлардан сотиб олинганлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар тузилади. Аслини олданда ушбу хом ашё ва материаллар турли ноқонуний йўллар орқали нақд пулга сотиб олинди, давлат ва жамоат манфаатларига 17 млрд. 918 млн. 293 минг 800 сўмлик зарар етказилган. «Иш-таҳа овқат пайтида келади», деганларидай жиний гуруҳнинг ҳам иш-таҳаси карнай бўлиб кетади. Улар жиний ишларини тўхтатишни ихтиё этмай, қинғир йўллар билан янада кўпроқ бойлик орттириш касалига дучор бўлишган эди.

Давлат томонидан белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш улар учун олдий ҳўлга айланади. «Бахмал» қўшма корхонасининг солиқ солинадиган объектларини ҳисоботларда қасддан яшириш ва солиқ базасини камайитиш кўрсатиш орқали корхонанинг иқтисодий кудратини оширишга уринишади.

Чунончи, 2005-2008 йиллар давомида қўшма корхона томонидан жами 17 млрд. 918 млн. 293 минг 800 сўмлик бахмал матоси ишлаб чиқарилиб, турли фуқаролар ва юридик шахсларга нақд пулга сотилган бўлса-да, корхонанинг бухгалтерия ҳужжатларида мазкур йиллар давомида 10 млрд. 567 млн. 191 минг 700 сўмлик бахмал матоси ишлаб чиқарилганлиги тўғрисида ҳужжатларни тузилади. Бу билан 7 млрд. 351 млн. 292 минг 100 сўмлик савдо тушумларини чўнтакка уриб қолишган. Бунинг оқибатида 2 млрд. 517 млн. 793 минг 200 сўм миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар яширилган.

Худди шундай, 2005 йил ҳисобот даври давомида 303 млн. 216 минг 900 сўмлик, 2006 йил 254 млн. 290 минг 800 сўмлик, 2007 йил 374 млн. 446 минг 600 сўмлик ва бошқа солиқ ҳамда мажбурий ажратмалар тўламай келинган. Шу билан бирга улар 2005-2008 йил-

луқма елди. «Еган оғиз уялар» деганларидай ўзи бу ишларни босди-босди қилиб юборди. Шу тариқа жиний гуруҳ сувдан куруқ чиқди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ва «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунларига кўра, чет эл инвестициялари асосида ташкил қилинган корхоналар ўзи ишлаб чиқариши учун четдан келтирилаётган хом ашё ва материаллар бўйича бож тўлашдан озод қилиниб, шу билан бирга корхонанинг талаб этиладиган махсус белгилари ҳам мавжуд бўлиши белгиланган. Лекин «Бахмал» қўшма корхонасида бундай белгининг ўзи йўқ. Бироқ удабурон жиноятчилар учун эшиклар очиб қўйилган эди. Жуза бўлмаса ўзлари очиб олишар эди.

Бош директор Д.Ахроров «Бахмал» қўшма корхонасини зарур хом ашё билан таъминлаш мақсадида олинган йўлба қилган жиний режа асосида иш юрилади. Бу режа асосида гуруҳ азъолари ўзларига тегишли бўлган хорижий оффшор компаниялари орқали, сохта ҳужжатлар асосида «ацетат» толасини сунъий пасайтирилган нархларда божхона назоратидан ўтказишади. Жумладан, улар Самарқанд шаҳрида жойлашган «Бахмал» қўшма корхонаси билан «AMBIETE & COS.A» оффшор компанияси ўртасида 2005 йилда тузилган, «Telfa Impex Limited» оффшор компанияси билан 2004 ва 2005 йилда тузилган сохта импорт шартномаларига асосан «Бахмал» қўшма корхонасига олиб келинган, умумий қиймати 1 млн. 681 минг 631 АҚШ долларлик «ацетат» хом ашёсининг сунъий арзонлаштирилган нархда божхона расмийлаштириувидан ўтказилишини таъминлашган. Хом ашёнинг ҳар бир килограмми ҳақиқатда 6,15 АҚШ долларидан сотиб олинган бўлса-да, «Бахмал» қўшма корхона номидан сохта ҳужжатлар тузиб, унинг нархини 2,5 АҚШ доллари миқдорига расмийлаштириб қўйишди. Бунинг натижасида давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган 497 млн. 617 минг 672 сўм яширилган.

Худди шундай, 2003-2008 йилларда четдан импорт қилинган 5,2 млрд. сўмлик хом ашёни божхона расмийлаштириувидан ўтказишда божхона ҳужжатлари ёки воиситаларига ўхшатиб ясалган қалбаки ҳужжатлардан фойдаланилади. Улар шу йўл билан жами 712 млн. 78 минг 502 сўмлик асоссиз имтиёзларга эга

**ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!**  
Корхона ва объектларни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича Наманган вилояти ҳудудий танлов комиссияси танлов эълон қилади  
**Хурматли тadbиркорлар ва ишбилармонлар!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги 232-сонли қарорига мувофиқ “Косонсой ППР” акциядорлик жамияти устав фондидаги 50,0 фоиз акция пакетини инвестиция киритиш шarti билан “нол” қийматда берилиши белгиланган бўлиб, корхона ва объектларни инвестиция мажбурияти эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича танлов савдолари ўтказувчи вилоят ҳудудий комиссияси томонидан “Косонсой ППР” акциядорлик жамияти устав фондидаги 50,0 фоиз акция пакетини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов эълон қилинади.

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ**

№	Корхона ва объектларнинг номлари	Жойлашган манзили	Хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активи (%)	Фаолият тури (фаолият турини сақлаган ҳолда ёки фаолият турини сақламаган ҳолда)	Минимал инвестиция миқдори (млрд.сўм)	Инвестиция мажбуриятларини бажариш муддати (йил)
1.	“Косонсой ППР” акциядорлик жамияти	Косонсой тумани	50,0		1,0	2

Танлов ўтказиш муддати: 2009 йил 15, 24 ва 30 декабрь соат 14-00 да. Танлов ўтказиш жойи — Наманган вилояти давлат мулкни бошқариш бошқармаси. Танловда барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (хорижий сармоядорлар) қатнашишлари мумкин. Танловда қатнашиш учун инвесторлар эълон қилинган танлов ўтказилиши санасидан камда уч кун олдин ҳудудий комиссияда кўриб чиқиш учун муҳрлаб қўйилган конвертда танлов шартларига мувофиқ ўз таклифларини қуйидагича тақдим этишлари лозим.

**Юридик шахслар учун:**

- рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, нотариал идораси томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари;
- ўтган йилги ҳисобот йилига (охирги ҳисобот даврига) аудиторлик ҳулосаси;
- Республика ва бошқа давлатларда амалга оширган ишлари тажрибаси тўғрисида маълумот;
- Молиявий таклиф;
- Техник таклиф.

**Жисмоний шахслар учун:**

- Доимий яшаш жойи кўрсатилган ҳолда паспорт нусхаси;
- банкдаги ҳисоб рақамида маблағи борлиги ёки банк томонидан кредит ажратиши мумкинлиги тўғрисидаги банкнинг кафолат хати;
- сотилаётган корхона ёки объектда ишни амалга ошириш бўйича иш тажрибаси тўғрисидаги маълумот;
- Молиявий таклиф;
- Техник таклиф.

Танлов таклифлари инвестицион дастурнинг белгиланган муддатларда бажарилиши, корхонани модернизациялаш, янги замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда молиявий иқтисодий аҳолини соғломлаштириш ва фаолиятини тиклашга қаратилган бизнес режани ўз ичига олиши лозим.

**Танловда иштирок этишни истagan жисмоний ва юридик шахслар ҳудудий танлов комиссиясининг ипчи органи — Давлат мулк қўмитасининг Наманган вилоят бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.**

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар бўйича Наманган вилояти давлат мулкни бошқариш бошқармасига қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: (8 369) 226-31-70; 226-44-39

**ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!**

Корхона ва объектларни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича Наманган вилояти ҳудудий танлов комиссияси танлов эълон қилади

Хурматли тadbиркорлар ва ишбилармонлар!

Корхона ва объектларни инвестиция мажбурияти эвазига инвесторларга бепул бериш бўйича танлов савдолари ўтказувчи вилоят ҳудудий комиссиясининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорларига мувофиқ аниқ инвестиция лойиҳалари ва янги инвесторлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш мажбуриятларини олиш шarti билан бепул берилиши лозим бўлган корхоналарни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги 232-сонли қарорига асосан, Турақурғон тумани Оқтош шаҳарчасида жойлашган “Оқтош тайёрлаш бутлаш корхонаси” негизда хорижий инвестициялар иштирокида мебел ва пластмассадан маҳсулот ишлаб-чиқариш лойиҳаси тасдиқланган.

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ**

№	Корхона ва объектларнинг номлари	Жойлашган манзили	Хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активи (%)	Фаолият тури	Минимал инвестиция миқдори (млн.сўм)	Инвестиция мажбуриятларини бажариш муддати (йил)
1.	“Тўқувчи” маъсулияти чекланган жамияти	Косонсой тумани	59,1	Фаолият турини сақлаган ҳолда	30,0	1
2.	“146 ХМКК”	Мингбулоқ тумани	100,0	Фаолият турини сақламаган ҳолда	200	1
3.	“Оқтош тайёрлаш бутлаш корхонаси”	Турақурғон тумани Оқтош шаҳарчаси	100,0	Мебел ишлаб чиқариш ва пластмассадан маҳсулот ишлаб чиқариш учун термопласт автомат ўрнатиш	100,0	12 ой

Танлов ўтказиш муддати: 2009 йил 29 декабрь, 2010 йил 5, 13, 21, 29 январь соат 10-00 да. Танлов ўтказиш жойи — Наманган вилояти давлат мулкни бошқариш бошқармаси.

Танловда барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (хорижий сармоядорлар) қатнашишлари мумкин. Танловда қатнашиш учун инвесторлар эълон қилинган танлов ўтказилиши санасидан камда уч кун олдин ҳудудий комиссияда кўриб чиқиш учун муҳрлаб қўйилган конвертда танлов шартларига мувофиқ ўз таклифларини қуйидагича тақдим этишлари лозим.

**Юридик шахслар учун:**

- рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, нотариал идораси томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари;
- ўтган йилги ҳисобот йилига (охирги ҳисобот даврига) аудиторлик ҳулосаси;
- Республика ва бошқа давлатларда амалга оширган ишлари тажрибаси тўғрисида маълумот;
- Молиявий таклиф;
- Техник таклиф.

**Жисмоний шахслар учун:**

- Доимий яшаш жойи кўрсатилган ҳолда паспорт нусхаси;
- банкдаги ҳисоб рақамида маблағи борлиги ёки банк томонидан кредит ажратиши мумкинлиги тўғрисидаги банкнинг кафолат хати;
- сотилаётган корхона ёки объектда ишни амалга ошириш бўйича иш тажрибаси тўғрисидаги маълумот;
- Молиявий таклиф;
- Техник таклиф.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар бўйича Наманган вилояти давлат мулкни бошқариш бошқармасига қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: (8 369) 226-31-70; 226-44-39

“Respublika Mulk-Auksioni” ДК Андижон вилоят филиали “Хуқуқ” газетасининг 17 сентябрь 38(663)-сонидagi эълонда Марҳамат тумани ҳокимлиги Молия бўлимига қарашли “Сут қабул қилиш пункти” биноси, навес, темир дарвоза, электрошит ва 5 дона магнитапукекателлар очиқ танлов савдосига ва ДТ “Халқ банки” Булоқбоши тумани бўлимига қарашли “Эски банк” биноси аукцион савдосига қўйилганлиги хабар қилинган эди. 27 октябрдаги 01/1217-сонли хатларига асосан ушбу объектлар вақтинча савдодан олинганлигини маълум қиламиз.

**Республика Кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ Хоразм вилоят филиали бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига ДМК Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан мерос қилиб қолдириш шarti билан умрбод эгалик қилиш учун қуйидаги ер майдонлари қўйилмоқда:

1. Янгиариқ тумани маркази “Боёт” кўчаси ҳудудидa жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 400 кв.метр бўлган № 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37 ер майдонлари. Ҳар бирининг бошлангич баҳоси — 200.000 сўм.

2. Янгибозор тумани Ширинкўнғирот қишлоғи Катёп аҳоли пункти ҳудудидa жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 600 кв.метр бўлган № 1, 2, 3 ер майдонлари. Ҳар бирининг бошлангич баҳоси — 200.000 сўм.

3. Урганч тумани “Чолиш” шаҳарчаси I-A квартал ҳудудидa жойлашган № 5, 16, 20 ер майдони — ҳар бирининг юзаси 420 кв.метр. №12 ер майдони — юзаси 432

кв.метр, №15 ер майдони — юзаси 425 кв.метр, №21 ер майдони — юзаси 430 кв.метр. Ҳар бирининг бошлангич баҳоси — 150.000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йилнинг 3 декабрь куни соат 11.00да бўлиб ўтади.

Ушбу ер майдонлари 2009 йил 3 декабрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2009 йил 10, 17 ва 24 декабрь кунлари соат 11:00да ўтказилади.

Мазкур аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 100 фоизи миқдоридa закатат пулини РКМБ Хоразм вилояти ф-лининг АТИБ “Ипотека” банки “Тинчлик” филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000700571452056 МФО: 00580, ИНН: 200933850. Манзил: Хоразм в, Урганч ш, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй. Телефон: 8(362) 226-43-64. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004.



**Техника асрида яшамоқдамиз.** Турмушимизда ахборот технологиялари тобора кенг ўрин эгаллаб келатгани шом талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Компьютер бугун ҳеч кимни ҳайратга солмайдиган ва ишимизни анчагина енгиллаштириб келатган, инсон онгининг энг муҳим кашфиётларидан биридир. Бироқ, мана шундай буюк кашфиётларга қодир инсоннинг онги баъзида бузғунчиликка қаратилган нарсаларни ўйлаб топиши ҳам айни ҳақиқатдир. Бундай салбий кашфиётларнинг узундан-узун рўйхатини келтириш ва уларга узоқ таъриф бериш мумкин. Куйида маъсаддан чекинмаган ҳолда компьютер ва у билан боғлиқ энг эътиборли ва муаммоли кашфиётлардан бири — яъни компьютер хасталиги, аниқроғи, компьютер вируслари ҳақида гаплашамиз.

Компьютер вируси — ўз-ўзидан кўпайиш (ўзини репликация қилиш) хусусияти билан бошқаларидан ажралиб турувчи компьютер дастурларининг бир тури. Жумладан, вируслар файл ва маълумотларга зарар етказиши ёки уларни бутунлай йўқ қилиб юбориши ёхуд бутун операция тизимини ишдан чиқариши мумкин.

Маъжур соҳада мутахассис бўлмаган кишилар аксарият ҳолларда тро-



ян, жосус-дастур ва спам каби зарарли дастурларни ҳам вируслар қаторига қўйишади. Бугунги кунда интернет тизими орқали дунё бўйлаб тарқаб, вирус эпидемияларини ташкил қилувчи ўн минглаб компьютер вируслари mavjud.

Вируслар бошқа дастурларнинг амалдаги кодлари қаторига кириб

олиш ёки дастур ўрнига алмашиш йўли билан тарқалади. Маълум вақтгача вирус дастур бўлгани учун фақат дастурларнинг зарарланганлигини, улардан бошқа ўзгаришлар зарарлангани эмас, балки, маълумотлардаги оддий носозлик ёки ноанглик деб қабул қилинарди. Шунингдек, вируснинг кўпайиши оқибатида келиб чиққан нусхаси процессор томонидан бошқариш кўрсатмаси эмас, балки оддий информация сифатида қабул қилинади деб, тушунилари. Мисол учун, форматланмаган матн вирус воситаси бўла олмасди. Бироқ, кейинчалик "уддабурон" кимсалар процессор машинасининг амалдаги кодларидан бошқа кодларни ҳам вирус сингари ишлатишга эришдилар. Дастурга алоқадор файллар пакетлари тилида ҳам вируслар ёзила бошланди. Кейинроқ макро-

вожланиб кетган. Ҳозирда вируслар орқали бошқа тизимга бузиб кириш, банк ҳисоб рақамларининг пароллари ва кредит карточкаларининг кодларини ўғирлаш, бошқа компьютерларни спамлар тарқатиш марказига айлантириш каби бошқа имкониятлари беради.

Юқоридаги маълумотлар оддий фойдаланувчи учун бироз тушунарсиз туюлиши мумкин. Бунинг сабаби биз ўта мушкул ва махсус билим талаб этадиган жараён, яъни дастурлашнинг бир қисми хусусида фикр юритмоқдамиз. Бироқ ёмон ниятда амалга оширилган ушбу дастурлашнинг, аниқроғи ишлаб чиқилган ушбу

монидан ишлаб чиқилган вирус 1999 йилнинг 26 апрелида фаолаштириб, зарарланган компьютерларнинг қаттиқ дискадаги барча маълумотларини ўчириб ташлаган ва баъзи компьютерлардаги BIOS микро-схемаларини ишдан чиқарган.

"Мелисса" номли вирус эса илк бор АҚШда маълум бўлган. Компьютерлар учун ўта зарарли код куйидаги матнда хат орқали тарқ-



## ЁМОНЛИККА ҚАРАТИЛГАН БИЛИМ

вируслар ишлаб чиқилди. Уларни Майкрософт Ворд (Microsoft Word) ва Эксел (Excel) дастурларининг файлларига макролар орқали кириштириш имконияти туғилди.

Орадан қисқа вақт ўтгач, компьютер жиноятчилари, оддий маълумотлар билан ишлайдиган машҳур дастурларнинг (масалан, Adobe Photoshop, Internet Explorer, Outlook каби) камчиликлари ва кучсиз жиҳатларидан фойдалана оладиган вирусларни ишлаб чиқдилар. Оқибатда вирусларнинг расм, матн ва бошқа шунга ўхшаш файллар орқали ҳам тарқалиш хусусияти пайдо бўлди. Бугунги кунда вирусларнинг тарқалиши ва функцияси билан

ажралиб турадиган турлари жуда кўп. Аввалги дискета ва бошқа воситалар орқали тарқаладиган вируслар мавжуд бўлган бўлса, ҳозир виртуал оламда Интернет тизими орқали тарқаладиган вируслар ҳукмронлик қилмоқда. Вируслар функциясининг кўринишлари ҳам ри-

вируслар оддий фойдаланувчи учун жиддий муаммоларни келтириб чиқариши тайин. Энди компьютер техникаси ривожланишининг қисқа тарихида вируслар билан боғлиқ энг катта муаммоларнинг бир нечаси ҳақида қисқача тўхталамиз:

1988 йилда Куддусда ишлаб чиқилиб, тарқатилган вирусга "пяти-ница 13" дея ном берилган. 13 санаси жумага тўғри келган кунда вирус ишга тушиб, компьютердаги дастурларни ўчира бошлаган.

1993 йили Испанияда тарқатилган вирус ҳам тезда машҳур бўлиб кетди. «Қамоқхона маҳбуси» ("Тюремный узник") дея аталган бу вирус 1993 йилнинг 5 январида ишга тушиб, зарарланган барча компьютерларнинг мониторларида панжара сурати пайдо бўлиб қолган.

"Ҳарфлар ёғдуси" ("Каекад падующих букв") вируси 1997 йилда Германияда тарқатилган. Ушбу вирус вирус зарарланган компьютерлар мониторидаги ҳарфлар ёмири томчилари каби ёғилиб тураверган.

1998 йилнинг июнь ойида тай-ванлик талаба Чэнинг Ин Хао та-

атилган: "Сиз сўраган ҳужжат... уни ҳеч кимга кўрсатманг :-)".

"I love you" ("Сени севаман") ёки "Бахт мактуби" деб номланган "романтик" вирус 2000 йилда Филиппинда пайдо бўлган. Номини туфайли ушбу вирус жуда тез тарқалиб, миллионлаб компьютерларни зарарлантирган. Пентагон каби йирик ташкилотларнинг бир нечасида муаммолар келтириб чиқарган.

2001 йилда Германияда пайдо бўлган "Klez" ("Клез") вируси тоқ ойларнинг ҳар 13-санасида активлашиб, компьютерларни зарарлан-тириб турган.

"Nimda" ("Нимда") вируси тескари ўқилган админ сўзини беради. 2001 йил 18 сентябрда Хитойда ишга тушган ушбу вирус зарарланган компьютерда администратор ҳуқуқини эгаллаб олиш имкониятига эга бўлгани боис шундай номланган.

Юқорида келтирилган вируслардан ташқари яна бошқа кўплаб зарарли дастурлар ҳозирги кунда уларга қарши дастурлар, яъни антивируслар ишлаб чиқарувчи му-

тахассисларни бош қотиришга мажбур қилиб келмоқда.

Компьютер соҳасидаги пухта билимларини ёвузликка қаратган мутахассислар доим ҳам вирусларни ишлаб чиқиш билан машғул бўладилар дейиш хато. "Хакер" деб ном олган компьютер жиноятчилари аксарият ҳолларда йирик ташкилот ёки банклар тизимига бузиб кириб, асосан енгил даромад топиш, яъни ўзга мулкни ўзлаштиришга уринадилар. Мақоламиз давомида айнан "хакер"ларнинг машҳур кирдиқорлари ҳақида яна бир эслаб ўтамиз.

Машҳур хакерлардан бири Кевин Митник 1983 йилда, талабалик пайтидаёқ илк хакерлик ҳужумлардан бирини содир этган. Кевин университет компьютерларининг бири орқали ARPAN глобал тизимини (ARPAN интернет тизимининг аجدоди ҳисобланади) бузиб кириб, Пентагон компьютер тизимига улашишга муяссар бўлган. Натигада талаба АҚШ мудофаа вазирлигининг барча ҳужжатларини қўлга кириштириш имкониятига эга бўлди. Ёш хакерни университет худудининг ўзида қўлга олишади. У ярим йил муддатга ёшларни тарбиялаш муассасасига жўнатилади.

Бундай қилмишлар фақат ёшлардан чиқади десак, катталар улардан ҳам қолтирмаган экан. 58 ёшли грециялик хакер Dassault Systemes компаниясининг компьютер тармоғига улашиб, тизим фаолиятини таъминловчи дастурни ўғирлайди ва кейинчалик интернет орқали сотиб юборади. Натигада компания 300 млн. доллар зарар кўради. Кекса хакер Афинадаги уйда қўлга олинган.

АҚШнинг ФБР ходимлари 2000 йилда челябинский икки нафар хакерни қўлга олади. 20 яшар А.Иванов ва 25 ёшли В.Горшков бир неча компанияларнинг компьютер тизимларини бузиб кириб, кредит карточкалар номерларини ўғирлайдилар. Биргина Western Union компаниясидан 15,7 мингта кредит карточка номери ўғирланган. Америка банкларига жами 25 млн. доллар миқдорда зарар етказган хакерлар Горшков 3 йилга, Иванов эса 4 йилга озодликдан маҳрум этилган.

(Давоми кейинги сонда)  
ТЕМУРБЕК тайёрлади

### ОБУНА — 2010

## Хурматли газетхон!

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бугун олди-мизда турган устувор вазифалардан эканлиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий наشرлар қатори "HUQUQ" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкламоқда.

Шу маънода, "HUQUQ" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишини ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақодалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, таҳририятимизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.

2010 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади.

**ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!**



Нашр кўрсаткичи — 231

**Huquq**  
yuridik gazeta

Ta'asischi:  
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:  
**Jahongir MAKUMOV**

Tahrir hay'ati:  
Yusupboy G'OIPOV,  
Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALK

Tahririyat manzili:  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40, 233-10-53.  
Faks: 233-64-85, 233-10-53.  
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma j-8328. 21 382 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahilalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi dizayner: S.BOBOJONOV  
Navbatchi muharrir: Y.PARDAEV  
Navbatchi: O'. DEHOQOV  
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda